| Давлатлар номи | Асос солган киши | Хукм сурган йиллари | Худуди | Далват бошлиғи мансабинингжами | Бошқарув тизими | Ижтимоий тизими | Эрга эгалик шакиллари | Солиқлар | Армия | Тили, дини, маданияти |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Тохирийлар | | | | | | | | | | |
| Сомонийлар | | | | | | | | | | |
| Қорахонийлар | | | | | | | | | | |
| Ғазнавийлар | | | | | | | | | | |
| Хоразмшохлар | | | | | | | | | | |

**“Синквейн” техникаси**

Қатор – тушунча.

Қатор – тушунчани характерловчи 2 сифат.

Қатор – ушбу тушунча функсияларини тўғрисидаги 3 феъл.

Қатор – ушбу тушунча мохияти тўғрисидаги4 сўзли сўз бирикмаси.

Қатор – ушбу тушунча синоними

**Муаммоли вазифа**

**Мавзу:** IX – XII асрларда мавоуннахрдаги марказлашган давлатлар.

**Муаммоли савол:** давлатдаги марказий хокииятни қандай мустахкамлаш керак?

**Вазифа**

Давлатда марказий хокимиятни кучайтришни таъмин этадиган сабабларни айтинг.

Давлатда марказий хокимиятни кучайтириш йўлларини кўрсатинг.

## Мустақил иш учун вазифалар

**1- Вазифа. 4 – мавзу: "**Ўзбек халқининг этник шаклланиши" бўйича маъруза матнини Инсерт техникасининг қўллаган холда ўқинг, кейинги муаммоли маърузага тайёрланиш учун инсерт жадвалини тўлдиринг.

**2.** Ушбу мавзу бўйича материални қандай ўзлаштирилганингизни текшириш учун қуйдаги саволларга жавоб беринг**:**

Ўрта Осиё феодал муносабатларини ривожланишида эфталитлар қандай рўл ўйнайдилар?

Эфталитлар давлатида нима ишлаб чиқариш кўпроқ ривож топди?

Эфталитлар даври маданиятининг энг йирик намунасининг номи қандай?

Эфталитлар давридаги буддизм дини маркази қайси шахар бўлган?

"Кадиварлар"кимлар эдилар?

Маздак ва Аброй қўзғолонларининг сабаблари нимада эди?

Турк хоқонлигидаги давлат бошқаруви қандай бўлган?

Турк хоқонлигининг емирилиш сабаблари хақида нима биласиз?

Ўрта Осиёнинг араблар томонидан босиб олиниши неча босқичда амалга оширилган?

Тохирийлар сулоласининг этник келиб чиқиши қандай?

қайси самоний подишоси даврида мовароуннахр барча сохаларда ривожланди?

Сомонийлар даврида қайси ерга эгалик солиқлардан озод этилган?

Қарохонийлар даврида қайси ижтимоий табақа сиёсий майдондан тушурилди?

Махмуд Ғазнавий юритган давлат характерли томони нимада эди?

Қайси хоразм шох даврида хоразм мустақилликни қўга киритиб, Мовароуннахрни хам қўшиб олди?

Хоразм шохлар давлати қачон қайси сабабларга кўра тугади?

## 4- Мавзу: Ўзбек халқининг этник шаклланиши.

## Кўргазмали материаллар

## «Этнос» нима дегани?

Этнос

“Халқ” тушунчасига яқин бўлиб, кишиларнинг тарихий тараққиёт жараёнида шаклланган барқарор гурухи, қабила, элат, миллат шаклида кўринади;

## «Элат» тушунчаси нима?

Элат

Бу атама, энг аввало, қабилалар иттифоқини, кишиларнинг тил, худуд, иқтисодий ва маданий жиҳатидан тарихан таркиб топган бирлигини билдиради. Уни халқнинг миллат бўлиб шаклланишидан олдинги босқичи деб ҳам атайдилар. Элатнинг келиб чиқишига бир-бирига кўп жиҳатдан яқин бир неча қабилаларнинг уюшуви асос бўлган. Миллий тараққиётнинг қабиладан кейинги ва миллатдан аввалги босқичи бўлиб, кишиларнинг тил, худуд, иқтисод ва маданият жиҳатдан умумий бўлган йирик жамоасига нисбатан қўлланилади

## «Миллат» нима дегани?

**Миллат**

Ҳудуди, иқтисодий алоқалари, адабий тили, маданиятининг миллий хусусиятлари ва ўзига хослиги (менталитети) жиҳатидан умумий бўлган турли қабила ва элатларнинг тарихий тараққиёт жараёнида бирлашувидан ҳосил бўлган гуруҳи.

## «Этногенез» тушунчасининг моҳияти нима?

**Этногенез** (грекча *ethnos* – қабила, халқ ва *genesis* – келиб чиқиш, вужудга келиш) – **миллатнинг келиб чиқиши**

# Фикрингизни айтинг!

- Ўзбек халқининг этник шаклланишини масаласини ўрганишнинг ҳозирги кундаги долзарблиги нималардан иборат?
- Тарихчи олимлар орасида мазкур муаммони ўрганишда қайси масалалар катта мунозараларга сабаб бўлмоқда?

## Муаммоли ҳолат

- Ўзбек халқининг этногенези тарих фани олдида турган мураккаб ва муаммоли масалалардан биридир. XX асрнинг 40-йилларига қадар рус, совет ва чет эл фанида ўзбек халқи тарихини XV-XVI асрлардан, яъни Ўрта Осиёда “ўзбек” номига эга бўлган истилочилар пайдо бўлганидан бошлаш керак деган фикрлар мавжуд эди.
- Юқоридаги фикрларнинг ноилмий асосга эга эканлиги ҳақидаги ғояни илгари сурга А.Ю. Якубовский ўзбек халқининг илдизи кўп минг йиллик тарихга эга эканлиги ва энг қадимги даврларга бориб тақалишини исботлаган

## Муаммонинг қўйилиши

**«Ўзбек халқининг этник шаклланиши жараёни қандай амалга ошди?»**

## Йўналтирувчи саволлар:

1. Дашти Қипчоқдан келган истилочи кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳрга бостириб келганларида кимсасиз ҳудудга дуч келдиларми ёки бу ҳудудда аҳоли яшар эдими?

(Бу пайтда ҳозирги Ўрта Осиёнинг асосий қисмида туркийлар ва туркий тилли халқлар минг йиллардан бери маданий ҳаёт кечирар эдилар.).

2. Қандай қилиб бу ҳудудуда кўп сонли туркий тилли халқлар кўчманчи ўзбеклар истилосига қадар мавжуд бўлган?

( бу жараён минг йиллар давомида туркий ва туркий тилли қабилаларнинг бу ҳудудда энг қадимги даврлардан бери яшаб келаётган бошқа қабилалар билан қўшилиши натижасида содир бўлган.).

## 1 Муаммоли савол

**Ўзбек халқининг қадимги аждодлари-биринчи этник қатлам қандай ташкил топди?**

1.1. Ўрта Осиёнинг энг қадимги аҳолиси ҳақидаги маълумотлар қайси манбаларда келтирилади?

1.2. Ўрта Осиёдаги чўл ва воҳаларда қайси қадимги халқлар яшар эдилар?

1.3. Қадимги ёзма манбалар Ўрта Осиё аҳолисини қандай тасвирлайдилар?

1.4. Ўрта Осиёдаги этник жараёнларда Аҳмонийлар ва юнон-македон истилолари қандай аҳамиятга эга бўлди?

## Қадимги манбалар Ўрта Осиёнинг қадимий кўчманчи халқлари ҳақида

Антик давр муаллифлари → Скифлар → массагетлар; саклар; даклар (дахлар)

Форс манбалари → Саклар → хаумаврака; тиграхауда; тиай - тара-дарайя

«Авесто» → Шаклар, Татлар, Дахлар → Турон кўчманчи қабилалари

Хитой ва Ҳинд манбалари → Саклар

Кўчманчи халқларнинг номлари

## Ўзбек халқининг қадимги аждодлари







Бехустун қоясидаги сак жангчиси тасвири

**Ўзрта Осиёнинг қадимги халқлари**

- Кўчманчи ва ўтроқ аҳолига бўлинган
- Ўтроқ аҳоли яшаган ҳудуди номи билан аталган (хоразмийлар, суғдийлар, бақтрийлар ва х.к.)
- Шарқий-эрон ва туркий шеваларида гаплашган
- Европеоид антропологик типига кирган



Тошга битилган тарих.

## Қадимги хорасмликларнинг тикланган қиёфалари



Қадимий хоразмликлар қиёфасининг
М. М. Герасимов раҳбарлигидаги тасвири.

# 1 Хулоса

Хоразм, Сўғд, Тошкент воҳаси, Фарғона водийси, Сурхондарё, Қашқадарё, Чирчиқ дарёси водийларида яшаган аҳоли: бу ҳудудда қадим замонлардан яшаган саклар, хоразмийлар, сўғдлар, бақтрийлар, шошликлар, фарғоналиклар ҳозирги ўзбек халқининг қадимги аждодларидир. Ўшалар милоддан аввалги IV-III минг йилликдан милоддан аввалги I минг йилликкача шаклланган ўзбек халқининг биринчи этник қатламини ташкил этганлар.

# 2 муаммоли савол

- Туркий тилли халқларнинг шаклланиши қандай амалга ошди?

2.1. милоддан аввалги 1 минг йилликка оид ёзма манбаларда туркий ва туркий тилли халқларнинг Ўрта Осиё ҳудудига кириб келиб ўрнашиши ҳақида қандай келтирилади.?

2.2. туркий тилли халқ шаклланишининг қандай асослари мавжуд?

2.3. Қайси тарихий жараёнлар натижасида туркий тилли халқлар Ўрта Осиё аҳолисининг асосий қисмини ташкил эта бошлади?

2.4. Ўрта Осиё халқларининг қайси жиҳатларида туркий тилли халқларнинг ҳиссаси кўпроқ сезилди?


Туркий ва туркий тилли
кабилаларнинг
Ўрта Осиёга кириб келиш жараёни
Эфталитлар Турк хоқонлиги таркибидаги туркий ва туркий тилли халқлар милоднинг VI асри
туркий-қорахонийлар (қарлуқ, чиғил, яғмо ва бошқалар.) - X-XII асрлар.
Дашти-Қипчоқ Кўчманчи ўзбеклари XV-XVI в.в.
скиф, сак, массагет, юэчжилар - Қадимдан - мил.ав. II-I асрлар


Туркий қабилалар қуйидаги Соҳалар ривожига катта Ҳисса қўшдилар
ҳунармандчилик (қуролсозлик, заргарлик
Ҳарбий иш
кулолчилик
Тил, адабиёт ва санъат
Урф-одат, анъана, диний маросимлар

## 2 Хулоса.

Минг йилдан ортиқ вақт давомида амалга ошган ( мил.ав. I минг йилликнинг охиридан- XII асргача) туркий тилли қабилаларнинг Ўрта Осиё худудига узлуксиз кўчиб келиб ўрнашиши ва қадимдан бу ўлкада яшаб келаётган айрим эроний тилли ахолининг туркийлашуви самараси бўлган ўзбек халқининг иккинчи этник қатлами шаклланиши натижасида X-XII асрларда Мовароуннахр худудида кейинчалик “ўзбек” номини олган элат шаклланди. Бу жараён ўзбек халқининг шаклланишида асосий ахамиятга эга бўлди.

## 3 муаммоли савол.

**Ўзбек халқи этногенезининг якунловчи босқичларида ўзбек миллати қандай шаклланди?**

3.1. Мўғуллар истилоси ўзбек халқи этногенезига қандай таъсир кўрсатди?

3.2 XVI асрнинг бошларида Мовароуннахрга келиб жойлашган туркий тилли қабилалар ўзбек халқининг этник тарихида қандай роль ўйнади?

3.3. «Ўзбек» этнономининг келиб чиқиши ва мохияти хақида нималар биласиз?

3.4. XVII – XIX асрларда ўзбек халқи этник шаклланишининг қандай асосий йўналишларини айта оласиз?

## «Ўзбек» этноними

Олтин Ўрда хони Ўзбек хон (1312-1341) номи билан боғланади

Оқ Ўрдада пайдо бўлган ва унинг аҳолисига XIV-XV бошлаб қўлланилади

«Ўзбек» атамаси

Дашти-Қипчоқнинг туркий тилли кўчманчи аҳолисининг умумий номи сифатида XIII асрнинг 80-йилларидан араб ва форс манбаларида тилга олинади

тарихчилардан Низомиддин Шомий, Али Яздий, Самарқандий, Хондамир асарларида тилга олинади

## Ўзбек халқи этногенези якунловчи босқичларидаги асосий йўналишлар

- Қабилалараро фарқларнинг йўқолиб бориши, этник умумийликнинг ривожланиб бориши, кейинроқ келиб ўрнашган туркий қабилаларнинг қадимдан ва илк ўрта асрлардан бу ҳудудда яшаб келаётган ўзбек халқининг аввалги қатламлари билан аралашиб ва қўшилишиб кетиши
- Ўзбек элати ичида ички, ижтимоий-иқтисодий, ташқи омиллар натижасида тоифалар ва табақаларга бўлиниши ва ажралиши
- Этник жиҳатдан аралаш элатлар яшайдиган ҳудудларда бир-бирига сингиб кетиш жараёнлари

## Ўзбек халқи этногенезининг босқичлари

**I босқич**

Мил.ав IV-III минг йилликлардан мил.ав. I минг йилликкача. -
Дастлабки этник қатлам -
Ўзбек халқининг тарихий аждодлари шаклланди

**II босқич**

Мил.ав. II-I асрлардан- XII асргача.
кейинчалик ўзбеклар деб ном олган туркий тилли халқ шаклланди.

**III босқич**

XIII - XVII асрлар
Этник бирлашув, умумий этник онг, ҳозирги кунга қадар давом этаётган ягона этник бирлик шаклланиши натижасида ўзбек халқи шаклланди.

## 3 хулоса

X-XII асрларда туркий элатнинг ташкил топиши ўзбек халқи этногенези жараёни тугалланганини англатмайди. XIV-XV асрларда Ўрта Осиё аҳолисининг оммавий туркийлашуви жараёни давом этди. Эски ўзбек тили, жумладан адабий тил юқори даражада такомиллашуви натижасида XIII-XV асрларда асосан шаклланиб бўлган ўзбек элати таркибига Дашти Қипчоқнинг туркий тилли қабилалари қўшилдилар ва кейинчалик бу халққа ўз номларини бердилар. Кейинги даврларда (XV-XVII асрларда) ўзбек халқининг этник бирлашуви жараёни амалга ошди. Яъни, ҳозирги пайтда ҳам давом этаётган умумий этник онгнинг шаклланиши ва умумий этник бирлик ташкил этиш жараёни содир бўлди.




**Муаррих Сайфиддин Ахсикатийнинг XVI асрда ёзилган «Мажмуь ат-таворих» («Тириклар мажмуаси») асрида 92 ўзбек қавмининг қуйидаги рўйхати берилган:**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Минг | 19 | Шамарчик (самарчик) | 37 | Турмовут | 55 | Қишлиқ |
| 2 | Юз | 20 | Қабаша | 38 | Уймовут | 56 | Ђирай |
| 3 | Қирқ | 21 | Нужин | 39 | Орлот | 57 | Дўрмон |
| 4 | Жалойир | 22 | Келачи | 40 | Керинт | 58 | Тобин |
| 5 | Сарой | 23 | Киламиш | 41 | Ўнғут | 59 | Тама |
| 6 | Қўнғирот | 24 | Бурат | 42 | Танғут | 60 | Рамадан |
| 7 | Олчин | 25 | Убрат(уйрат) | 43 | Манғит | 61 | Уйшун |
| 8 | Арғин | 26 | Қиёт | 44 | Жаловут | 62 | Бадай |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 9 | Найман | 27 | Хитой | 45 | Мамасит | 63 | Ҳафиз |
| 10 | Қипчоқ | 28 | Қанғли | 46 | Маркит | 64 | Авирчи |
| 11 | Қалмоқ | 29 | Урюз | 47 | Буркут | 65 | Журот |
| 12 | Чақмоқ | 30 | Жуналачи | 48 | Қиёт | 66 | Тотор |
| 13 | Қирғиз | 31 | Кучи | 49 | Қуралаш | 67 | Юрға |
| 14 | Қарлиқ | 32 | Ўтарчи | 50 | Ўғлон | 68 | Ботош |
| 15 | Турк | 33 | Фулодчи | 51 | Қари | 69 | Қавчин |
| 16 | Туркман | 34 | Жийит | 52 | Араб | 70 | Тубойи |
| 17 | Боёвут | 35 | Жуйит | 53 | Илачи | 71 | Тилав |
| 18 | Бурлайн | 36 | Чулчит | 54 | Жубурғон | 72 | Кордори |
| 73 | Сайҳиён | 78 | Чехилкас | 83 | Тургоқ | 88 | Шаврон (саврон) |
| 74 | Қирғин | 79 | Уйғур | 84 | Тайит | 89 | Даражот |
| 75 | Ширин | 80 | Анмор | 85 | Кўхат | 90 | Кимот |
| 76 | Ўғлон | 81 | Ёбу | 86 | Фоҳир | 91 | Шижоат |
| 77 | Чимбой | 82 | Тарғил | 87 | Кужалиқ | 92 | Авғон |

**Профессор Х.Дониёровнинг «Ўзбек халқининг шажара ва шевалари» асарида 92 бовли ўзбек уруғ-қабилаларининг номлари қуйидагича берилган (ушбу асар уруғлар бобида «Қитмир» номли қўлёзма манбага асосланган):**

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | Минг | 21 | Ўроқли | 41 | Уруб | 61 | Тектуй |
| 2 | Юз | 22 | Қиёт | 42 | Илоч | 62 | Кирдор |
| 3 | Қирқ | 23 | Қангли | 43 | Чўбирғон (чубиргон | 63 | Суктиян |
| 4 | Ўн | 24 | - | 44 | Қутлин | 64 | Қирқин |
| 5 | Ўнг жайт | 25 | Тучат | 45 | Туркман | 65 | Ширин |
| 6 | Жалойир | 26 | Увузи | 46 | Дўрман | 64 | Қирқин |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 7 | Сарай | 27 | Ўрай | 47 | Топман | 66 | Фарҳод |
| 8 | Қўнғирот | 28 | Чублач | 48 | Бийича | 67 | Жуночи |
| 9 | Найман | 29 | Қўшчи | 49 | Риндан | 68 | Чилки |
| 10 | Қипчоқ | 30 | Чуют | 50 | Митан | 69 | Уйғур |
| 11 | Қипчоқ | 31 | Чибин | 51 | Уйшун | 70 | Машорис |
| 12 | Қалмоқ | 32 | Кермин | 52 | Буйихауз | 71 | Чолиқ |
| 13 | Қувдоқ | 33 | Арлат | 53 | Қирғиз | 72 | Суврин |
| 14 | Турлоқ | 34 | Чалчуқ | 54 | Уйрувчи | 73 | Увган |
| 15 | Самарчиқ | 35 | Манғит | 55 | Бадай | 74 | Кубир |
| 16 | Қатағон | 36 | Буркут | 56 | Татар | 75 | Хабрин |
| 17 | Келейчи (қилайчи) | 37 | Туппаллас | 57 | Етти бош | 76 | Ялансоз (яланғоз) |
| 18 | Кенагаз | 38 | Минит (миҳит) | 58 | Каташ (кабаш) | 77 | Урсун (ургун) |
| 19 | Буйрак | 39 | Уклан (ўқлан) | 59 | Пачқурт (бешқурт) | 78 | Олчин |
| 20 | Уйрак | 40 | Қарай (керай) | 60 | Сулдир (сулдиз) | 79 | Ябу |
| 80 | Ўғлон | 83 | Кегиз (чиз) | 86 | Жоми | 89 | Бургун |
| 81 | Қирғий (киргий) | 84 | Сандир | 87 | Коли (ҳоли) | 90 | Жилойир |
| 82 | Барлос | 85 | Кихрут | 88 | Тангит | 91 | Чиғатой |

ва ўзбек (2). Бу рўйхатда 24-рақами тушиб қолган (3).

**Мавзу бўйича билимни янада долзарблигини ошириш учун саволлар:**

“Миллат”, “Халқ”, “Этнос” деганди қандай маъно беради?

“Этногенез” сўзининг моҳияти қандай тушунасиз?

Хозирги шароитда ўзбек халқининг этник шаклланиши муаммоларини ўрганишнинг долзарблигини нимада деб биласиз?

Тарихчи – олимлар ўртасида ушбу муаммо юзасидан қандай кескин бахсли саволлар юзага келиши мумкин?

**Муаммоли вазият:**

Ўзбек халқининг этногенези – тарих фанининг долзарб ва мураккаб муаммоларидан биридир. XX асрнинг 40 йилларигача рус ва хориж адабиётларида ўзбек халқининг тарихи XV-XVI асрлардан, яъни, Ўрта Осиёда “Ўзбек” лар номи билан бостириб келган халқнинг келиши билан боғлиқ деб талқин қилиниб келинган. Ушбу масалада янгича ёндашувни бошлаб берган олим А.Ю. Якубовский шуни асослаб бердики, ўзбек халқининг этник тарихи бир неча минг йилликларга бориб тақалади.

**Муаммонинг номланиши:**

**“Ўзбек халқининг этник шаклланиши қандай рўй берган”**

Ёрдамчи саволлар:

Дашти Қипчоқдан кўчманчи ўзбек қабилалари Ўрта Осиёга келганларида бу ерда ахоли бормиди ёки улар хеч кимни учратмаганларми? ( Кўчманчи ўзбеклар Хозирги Ўзбекистон худудига бостириб келгунларига қадар бу ерда туркийзабон , яъни турк ва турклашганаҳоли қадимдан ўз маданий ҳаётига эга ҳолда яшаб келаётган эди )

Қандай жараёнлар натижасида Ўрта Осиёда кўчманчи ўзбеклар келиши даврларида кўп сонли туркийзабон халқлар пайдо бўлган эди?

(Бу ҳолатлар жуда қадимдан вужудга келган эди).

**1-кичик муаммо.**

Ўзбек халқининг қадимги аждодлар бўлган илк этник қатлам қандай шаклланган эди?

Ўрта Осиёда яшаган энг қадимги халқлар хақидаги илк маълумотлар қайси манбалар мавжуд?

Қадимда Ўрта Осиёнинг чўл ва ерни ишлаш зоналарида қайси халқлар яшаган?

Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари хақида қайси ёзма манбаларда маълумотлар киритилган?

Ўрта Осиё худудидаги этник жараёнларда ахмонийлар ва юнон-македон босқинчиларининг роли қандай бўлган?

**1-хулоса.** Хоразм, Сўғд, Сурхондарё, Қашқадарё, Тошкент ва Чирчиқ регионларида, Фарғона водийсида яшаган қадимги халқлар хозирги ўзбек халқининг тарихий аждодлари хисобланади. Улар Хоразмийлар, Сўғдийлар, Бақтрияликлар, Чочликлар, Фарғоналиклар бўлиб, Ушбу худудларда қадимдан яшаб келганлар

Айнан ана шулар бу худудда милоддан аввалги IV-III минг йилликлардан милодимизнинг I минг йилликларигача даврларда пайдо бўлган бўлиб, илк этник қатламни ташкил қилганлар.

**II кичик муаммо.**

**Туркийзабон халқларнинг шаклланиши қандай рўй берган**?

Ўрта Осиё худудига турк ва турк тилли қабилаларнинг дастлабки кириб келишлари ва жойлашишлари хақидаги маълумотлар милоддан аввалги I минг йилликнинг қайси ёзма манбаларида бор?

Туркий тиллик халқларнинг шаклланишида қайси шарт-шароитлар роль ўйнаган?

Ўрта Осиёнинг катта қисмида XI-XII асрларда қандай воқеалар натижасида туркий-этник халқлар етакчи рол ўйнай бошлади.

Ўрта Осиё халқлари хаётининг жабхаларида турклик таъсирининг, туркликнинг юксалиши вужудга келди?

**II хулоса.** Милоддан аввалги сўнгги юз йилликларда Ўрта Осиё худудига мунтазам равишда туркий тилли кўплаб қабилаларнинг кириб келиши, шунингдек, бу худуднинг шимолий туманларидан яшовчи эрон тилли халқларнинг турклашиб бориши, қолаверса улар ўртасида бир неча юз йиллар давомида рўй бериб борган этник ва бошқа муносабатлар натижасида Мовароуннахрда туркий забон халқларнинг жуда улкан гуруҳи вужудга келди ва улар кейинчалик умумий бир ном, ўзбек номи билан атала бошлаган. Шундай қилиб, ўзбек халқи этногенезининг иккинчи босқичи ўз якунига етди.

**3-кичик муаммо.**

**Ўзбеклар этногенезининг тўлиқ шаклланиб бўлиши арафасида уларнинг халқ сифатида кўринишга эга бўлишида қандай ҳолатлар асос бўлди?**

Ўрта Осиёдаги этник жараёнларга мўғуллар истилосининг таъсири қандай бўлди?

Ўзбек халқининг этник шаклланишини кенг тус олишида бу ерга XVI асрда Дашти Қипчоқдан келган туркий тилли қабилалар қандай рол ўйнайди?

“Ўзбек” сўзининг мазмун ва моҳиятини қндай тушунасиз?

VII-XIX асрларда ўзбек халқининг этник шаклланишидаги асосий йўналишлар қандай эди?

**3-хулоса.** Туркий тилли халқларнинг шаклланиши ўзбеклар этногенези якунланганидир дейиш нотўғри бўлади. Чунки XIV- XV асрлар давомида Ўрта Осиё халқлари хаётида туркийлашув янада оммавий тус олган, эски ўзбек тили такомиллашиб борган, жумладан, адабий тил хам янада ривожланиб бориши билан айни ваўтда Дашти Қипчоқдан келган сўнгги туркий тиллик қабилалар хисобига ўзбеклар деган халқ, миллаттарих сахнасида янада кенгроқ ўз ўрнига эга бўла бошлаган. Кейинги асрларда эса (XVII-XIX) ўзбек халқи хаётидан умумий этник онг ва тушунчалар, ягона этник муносабатлар жой ола бошлаган.

## **Якуний хулоса**.

Ўзбек халқининг этногенези (шаклланиши) ўзининг узоқ, қадим тарихига асосланган узоқ ва мураккаб жараёндир. Бу жараённи илмий асосда тушуниш шу билан ифодаланадики, хозирги ўзбек халқининг этник асоси маҳаллий, ўтроқ туркий тилли қабилалар хамда кўчманчи эроний тилли халқлар хисобланади.

Худди ана шу асосда эса ўтган минг йилликлар давомида Ўрта Осиё халқлари хаётида рўй берган туркий забон қабилаларнинг ёппасига кўриб келиш хамда туркийлашув жараёнларида ягона туркий забон халқлар, сўнг эса ўзбек халқи вужудга келди. Кейинчалик эса турли этник қатламлар, қавмларнинг янада киришуви, жипслашиб борувчи жараёнларининг тезлашуви натижасида эса ўзбек халқининг халқ, миллат сифатида халқаро миқёсида янада кенгроқ номи тарқалишига сабаб бўлди.

## **Тестлар**

Ўзбек халқининг “этногенези” деган тушунча қандай маънога эга?

а) ўзбек халқининг бошқа халқлар билан аралашуви жараёнлари

б) ўзбек халқининг келиб чиқиши

в) ўзбек миллатининг шаклланиши

Ўзбек халқи этногенезига доир муаммо илк бора қайси олим томонидан илмий асосда ўз ечимини топган?

а) Якубовский

б) Толстов

в) Бартольд

г) Шониёзов

3. Антик давр олимлари (тарихчилари) нинг асарларида ўзбек халқи аждодларини қандай номланган?

а) турклар

б) юэчжилар

в) скифлар

г) тожлар

д) турлар

4. Шош ва Жанубий Қозоғистон худудларида сак халқларидан қайсилари эгаллаганлар ва яшаганлар?

а) Сака-тиграхауда

б) Сака-хаумварака

в) Сака-тиай-тара-дарайа

5. Турк хоқонлиги хукмронлиги ўрнатилгандан сўнг Ўрта Осиё халқларининг тил муносабатларида қандай янги кўринишлар вужудга келди.

а) қисман ёки тўлиқ икки тиллик

б) аралаш тиллар вужудга келди

в) махаллий тиллар йўқола бошлади.

6. Ўрта Осиё худудининг катта қисмида қайси даврларда туркий этник қатлам етакчи ролга эга бўлган?

а) XI-XII асрлар

б)VI-VIII асрлар

в) IX-X асрлар

“Девону луғотит турк” номли машҳур асарнинг муаллифи ким?

а) Ю. Боласоғуний

б) А. Югнакий

в) М. Қошғарий

**Мустақил иш учун вазифа:**

Ушбу мавзуни семинар конференция дарси учун мустақил тайёрлаб келиш

## 4-мавзу: Ўзбек халқининг этник шаклланиши

### Муҳокама учун ва хулосалар учун саволлар

**Ўзбек халқи этногенези жараёнларининг асосий босқичлари ва моҳияти**

1. “Этнос”, “Халқ”, “Миллат” сўзларининг маъноси нима?

2. Ўзбек халқи этногенези жараёнларини қайси босқичларга бўлиш мумкин

3. Ўзбек халқи тарихини тарих фанида янгича ёндашувни ким илк бора асослаб берди ва унинг мазмуни нимада?

4. Ҳозирги замонда ўзбек халқининг этник шаклланиши муаммоларини ўрганишнинг долзарблиги

**Саклар, массагетлар, бақтрияликлар, суғдийлар, хоразмийлар – ўзбек халқининг энг қадимги аждодларидир.**

1. Ўрта Осиё ҳудудида энг қадимги даврда яшаган одамлар ҳақида қайси манбаларда маълумотлар бор?

2. Скифларнинг қайси қабилаларини биласиз? Қадимги тарихчилар асарлари асосида уларга таъриф беринг.

3. Беҳистун ёзуви Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари ҳақида қандай маълумот беради.

4. Ўрта Осиёнинг қадимги халқлари қайси тилда сўзлашганлар ва қайси антропологик ирққа кирганлар?

**Туркий тилли халқларнинг шаклланиши**

1. Қандай шароитлар сабабли ва қачон Ўрта ОСиё ҳудудида туркий тилли қабилалар кириб кела бошлаганлар.

2. “Турк” атамаси қандай маъно беради?

3. “Туклашиш” жараёнини моҳиятини қандай тушунасиз?

4. X-XII асрларда Ўрта Осиёда қандай этник бирлик вужудга келди?

4-мавзу. Ўзбек халқининг этник шаклланиши жараёнларида Дашти Қипчоқлик кўчманчи қабилаларнинг таъсири. “Ўзбек” атамасининг келиб чиқиши.

1. Ўрта Осиёдаги этник ҳолатларга мўғуллар истилосининг таъсири қандай бўлди.

2. Нима учун мўғуллар туркийланишига мослашиб кетдилар ва секин аста ўзларининг этник ўзликларини йўқотдилар?

3. XVII-XIX асрларда ўзбек халқининг этник ривожидаги йўналиш қайсилар эди.

4. Ўзбек халқининг этник жипслашиш жараёнларини секинлаштириш сабаблар қайсилар?

**Мустақил иш тайёрлаш учун вазифа**

1-вазифа – Амалий машғулотда рефератлар тақдимоти ўтказилишини тайёрлаш ва амалга ошириш

2-вазифа – Ўз-ўзини билимини текширишни ўтказиш; саволларга жавоб бериш

3-вазифа – “IX-XII асрларда ўзбек давлатчилиги. Ижтимоий сиёсий ва иқтисодий ҳаёт” номли 6-мавзунинг маърузა материалларини инсерт техникасини қўллаган ҳолда ишлаш.

**5- Мавзу: Ўрта Осиё халқлари ҳаётида рўй берган уйғониш даври . Фан ва маданиятнинг гуллаб яшнаши .**




Ўрта Осиё Уйғониш даври босқичлари.
I босқич
IX – XII асрлар.
II босқич
XIV – XV асрлар.

# Берунийнинг илмий даҳоси

**Астрономия**
- Юлдузлар ҳақида янгича қарашга асос солди
- Ернинг Қуёш атрофида айланиши ва ер тортишиши ҳақидаги ғояларни илгари сурди

**География**
- Ер радиусини аниқлаб, глобус яратди
- Географик координаталарни аниқлаш (кенглик ва узунлик) услубини яратди

**Геология**
- Ер пўстлоғини қимирлаб туриши ва жой рельефини ўзгариб туриши ғоясини яратди
- Миср, Ҳиндистон, Ўрта Осиё суғориш воҳалари муаммоларини ҳал этувчи сув тақвимини ишлаб чиқди.

**Минералогия**
- минераллар (қимматбаҳо тошлар) ва металлар ҳақидаги илмий ғоя яратди
- Минералогияга аниқ фан сифатида асос солди

**Медицина ва ботаника**
- Кўплаб доривор гиёҳларни ўрганди
- Ч.Дарвиндан 900 йил олдин табиий танланиш ҳақидаги ғояларини киритди

# ИБН СИНО

Абу Али Ҳусайн ибн Абдуллоҳ
(980 йил Бухоро Афшона – 1037 йил Ҳамадон Исфахон).

450 асари бор. Ундан 50 таси тиббиёт, 40 дан ортиқ табиат ва гуманитар соҳалар, 3 рисола мусиқа, 185 таси фалсафа, мантиқ, психология, ахлоқ – одоб ва ижтимоий – сиёсий муаммоларга тааллуқли.

280 асари сақланган

# Ижтимоий фанлар

**Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий (X – XI асрлар.)** → «Фанлар калити» - фанлар тарихи ва классификацияси ҳақида

**Маҳмуд Абул Қосим Аз-Замахшарий (1075 – 1144 йй.)** → Тилшунос, араб тили ва грамматикаси билимдони, Қуръони Карим тафсирчиси, 50 дан ортиқ асарлар муаллифи, энг машҳур асарлари: «Ал-Муфассал» ва «Ал-Кашшаф»

**Абу-Бакр Наршахий (899 – 959 йй.)** → тарихчи, «Тарихи Бухоро» асари муаллифи




## Тарихий - географиялик асарлар




Уйғониш даври маданий марказлари
БУХОРО
САМАРҚАНД
ҲИРОТ


Бадиий адабиёт равнақи
Шеърият
Асосий адабий жанрлар: қасида ( ватан, ҳомийлар ва гўзаллар шарафига), достонлар, рубоий.
Сомонийлар даврида Самарқанд, Бухоро, Марв ва Нишопурда яшаб ижод қилган 30 дан ортиқ машҳур шоирлар номи маълум
Абу Абдулло Рудакий, Шоҳид Балхий, Дақиқий ва бошқалар
форс-тожик шеъриятига асос солдилар ва мусулмон шарқининг кейинги асрлардаги асосий йўналишини белгилаб бердилар




**Улугбек академиясида хизмат килган олимлар**




Диний билимлар
Имом ал- Бухорий
(810 – 870 йй.)
Буюк ҳадисшунос, автор всемирно известного сборника «Ал- Джами ас-Сахих»
Абу Мансур
ал-Мотирудий
(870- 944 йй.)
«мотирудия» диний-фалсафий мактаби асосчиси, калом илмига тааллуқли Исломнинг аҳлоқий меъёрларини шарҳловчи кўплаб асарлар муаллифи
Бурҳониддин
Марғиноний
(1118 – 1197 йй.)
Қонуншунос-фақиҳ, ҳадисшунос ва Қуръон тафсирчиси, шариат қоидаларига аниқликлар киритди. Энг машҳур асари –«Китоб ал-Ҳидоя»

# Имом Ал-Бухорий



Ислом оламининг энг буюк олимларидан бири, «муҳаддислар султони»,тўпламлари муаллифи.

*«Китоб ал-Жомеъ ас - Саҳиҳ» (Ишончли тўплам)- сунний мазҳабида Қуръони каримдан сўнг иккинчи ўринда турувчи, муаллиф томонидан тўпланган ва таҳлил қилинган 600 мингдан ортиқ ҳадислар орасидан саралаб олинган 7400 саҳиҳ ҳадисни ўз ичига олган , ислом таълимотининг қимматли қиобларидан бири*




1998 йилда ЮНЕСКО ҳамкорлигида Имом ал-Бухорийнинг 1225-йиллик юбилейи нишонланди




**Маъруза-конференция учун доклад мавзулари**

Ўрта Осиё халқлари хаётидаги уйғониш даврининг босқичлари ва омиллари.

IX-XII асрларда Ўрта Осиёлик улуғ олим ва мутафаккирлар ва уларнинг жахон тараққиётига қўшган хиссалари.

IX-XII асрларда дин, архитектура ва адабиёт ривожи.

Темур ва темурийлар даври маданияти.

**Маъруза –конференция учун ижодий ахборотлар мавзулари.**

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асари муаллифи А.Беруний – шарқ ўрта асрининг қомусий олими.

Хоразмшох Маъмун ибн Маъмуннинг “Академия” си ва унинг жахон фанидаги ўрни.

Моварауннахр диний хаётида сўфизм ўрни.

А.Темур давлатида сарой-боғлар.

**Мухокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар.**

5.1. 1) Илмий тадқиқотлар ривожига IX-XII ва XIV-XV асрлардаги қайси илмий марказлар ижобий таъсир кўрсатди?

2) Ўрта Осиёлик олим ва мутафаккирлар хаётида, характерида, ижодий фаолиятида қандай умумий хусусиятлар мавжуд эди.

3) Абу Наср ал Форобийни нима учун II ўқитувчи дейишади?

4) Ал-Хоразмийнинг Европа учун асарларининг аҳамияти нимада?

5) А.Берунийнинг қайси кашфиёти шу кунгача ўзининг ахамиятини йўқотгани йўқ?

6) Ибн синонинг қайси асари бутун Европа шифокорлари учун ўқув қўлланма бўлиб қолган?

5.2. 1) IX-XII асрларда архитектура ривожининг асоси нимада эди?

2) Ўрта Осиё халқлари хаётидаги маънавий ривожида ислом дини қандай рол ўйнайди.

3) Шарқ мусулмон дунёсида диний илмар ривожида Имом ал Бухорийнинг ўрни нимада?

4) адабиёт, тасвирий санъат, мусива қайси йўналиш ва жанрлар ривож топди.

5.3. 1) Улуғбек илмий меросининг жахон тарихидаги ўрни нимадан иборат?

2) Алишер Навоий жахон ва ўзбек адабиёти ривожига қандай хиса қўшган?

3) Инсонларнинг маънавий хаётида уйғониш даври шароитида А.Навоий "Хамса" сидаги қайси фикрлар ўз долзарблигини сақлаб қолган?

4) Камолиддин Бехзодни нима учун "шарқ Рафаэли" деб аталади?

**Мустақил иш тайёрлаш учун вазиятлар**

Семинар дарсига маъруза матни ва қўшимча адабиётлар асосида мустақил тайёрланиб келиш

Тестлар

Бағдоддаги академияни Ўрта Осиёлик қайси олим бошқарган?

А) Ал-Фарғоний

Б) Ал-Хоразмий

В) Ал-Фаробий

"Амебра"ни асосчиси қайси олимлигини айтинг?

А) Хоразмий

Б) Беруний

В) Ибн Сино

Ўрта Осиёлик қайси олимнинг тадқиқоти ер шарининг ўлчовини ўлчашда қўл келган?

А) Беруний

Б) Фарғоний

В) Фаробий

Шарқда қайси олимни “Иккинчи муаллим” деб атайдилар (яъни, иккинчи Аристотел)?

А) Фаробий

Б) Фарғоний

В) Ибн Сино

Ибн Синонинг асосий асарини номини аниқланган?

А) Тиб қонунлари

Б) Тиб қонуниятлари

В) Шифо қонуни

“Маъмун академияси”нинг раҳбари ким эди?

А) Фаробий

Б) Ибн Сино

В) Беруний

Берунийнинг қайси асарини ўрта асрларнинг асл қомуси деб аташади?

А) Донишмандлик дурдонаси

Б) Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар

В) Ҳақиқат китоби

Г) Шифо китоби

Форсий тил шеъриятнининг асосчиси ким?

А) Рудакий

Б) Фирдавсий

В)  Жомий

Г) Навоий

Шоир Фирдавсийга “Шохнома” асарини яратишни ким буюрган?

А) Муҳаммад Хоразмшоҳ

Б) Султон Санжар

В) Маҳмуд Ғазнавий

Мовароуннаҳрда қайси шаҳар “Ислом гумбази” номини олган?

А) Самарқанд

Б) Урганч

В) Бухоро

Г) Хирот

Муқаддас Қуръондан кейин иккинчи муҳим манба ҳисобланган хадислар тўпламининг муаллифи ким?

А) Ал-Бухорий

Б) Ат-Термизий

В) Аҳмад Яссавий

**Ўқув варақаси**

I гуруҳ

1. 9-12 ва 14-15 асрларда яшаган Ўрта Осиёлик олим ва мутафаккирларнинг жаҳон илми хазинасига қўшган ҳиссасига таъриф беринг. (жавобда график органазердан, жадваллардан фойдаланиш мумкин)

Ўрта ОСиёлик қомусий олимларнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссасига қисқача умумлашган хулосалар беринг.

II гуруҳ

1. Ўрта Осиё хлақлари ҳаётида рўй берган уйғониш даврида адабиёт, санъат ва архитектура соҳаларидаги ютуқларга таъриф беринг. (9-12 ва 14-15 асрлар)

2.Ўрта Осиёлик маданият вакиллари жаҳон адабиёт ва санъати ривожига қандай таъсир кўрсатганлиги ҳақида қисқача умумий хулосалар беринг.

III гуруҳ

9-12 ва 14-15 асрларда Ўрта Осиё халқларининг диний фикр ривожи ютуқларига таъриф беринг.

2. Қуйидаги саволга жавоб беринг: “Дин ҳар доим фан ва маданиятнинг ривожига тўсқинлик қилиб келган деган хулосаларга сиз қандай қарайсиз?”

**Умумлашган жадвал**

**Ўрта Осиёлик буюк қомусий олимларнинг ва маданият вакилларининг**

**жаҳон цивилизациясига қўшган хиссалари**

**(ўқитувчи варианти)**

**“Фан”**

| Олим ва мутафаккирлари | Ҳаёт йиллари | Туғилган жойи | Илмий тадқиқот турлари | Асосий илмий асарлари | Муҳим илмий кашфиётлари | Кўрсатилган асарлар ёзилган тил |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |
| | | | | | | |

**“Адабиёт”**

| Исми | Ҳаёт йиллари | Асосий асарлари | Ижод тури | Жамоатчилик фаолияти |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

**“Дин”**

| Диний олим | Ҳаёт йиллари | Диний йўналиши (мактаби) | Қарашлари моҳияти | Асарлари |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

**“Архитектура ва санъат”**

| Санъат турлари | Аср вакили | Қайси тур ва | Янги | Ижодий |
|---|---|---|---|---|

| | | йўналиш | йўналишлар | ғоялари |
|---|---|---|---|---|
| Мусиқа | | | | |
| Тасвирий санъат | | | | |
| Архитектура | | | | |

**Мустақил иш учун вазифалар**

1-вазифа – гуруҳда ишлаш учун ўқув вазифасига жавоблар тайёрлаш

2-вазифа – гуруҳ билан ишлашнинг натижаларининг муҳокамаси ва призентация ўтказиш.

3-вазифа – ўз-ўзини билимини текшириб кўриш: тест билан ишлаш.

## 6-Мавзу: Мўғуллар истилоси ва зулмига қарши кураш

## Жалолиддин Мангуберди.

**Кўргазмали материаллар:**

Б-БХ-БО техникасини қўллаб ишлаш қоидаси

Инсерт техникасини қўллаб матнни ўқинг.

Йиғилган маълумотларни алоҳида системага (тартибга) солинг – матндаги қилинган белгиларга мослаб жадвалдаги устунларга тақсимланг

Б-БХ-БО (Биламан-Билишни хохлайман-Билиб олдим) жадвали

| | Мавзу саволлари | Биламан | Билишни хохлайман | Билдим |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |
| | | | | |

**Чиғатой давлатининг бошқарув тизими**



**Чиғатой улусида солиқ тизими**




2-илова (6.1.)

**Мавзунинг асосий холатлари**

Мўғул давлатининг ташкил топиши.

Чингизхоннинг Ўрта Осиёга босқинигача бўлган харбий юришлари

Хоразмшох ва чингизхон ўртасидаги элчилик муносабатлари

Мўғуллар хужуми арафасида Хоразмшох давлатидаги ахвол

Мухаммад Хоразмшохнинг мудофани уюштирган тактикаси.

1219-1221 йилларда Мовароуннахр ва Хоразмда мўғуллар билан бўлган уруш жараёнлари.

Мўғулларга қарши курашда Жалолиддин Мангуберди, Нажмиддин Кубро ва темур Малик жасоратлари.

Чиғатой улусининг ташкил топиши (Мовароуннахрда)

Чиғатой улусида бошқарув тизими

Махмуд Ялавочнинг солиқ системаси сиёсати

Мўғуллар истилосидан сўнг хўжалик хаёти. Ерга эгалик шакли. Солиқ системаси

1238 йилда Бухорода Махмуд Торобий қўзғолони.

Мункехоннинг ички сиёсати

Маъсудбекнинг пул ислоҳоти

XIV аср I ярмида Чиғатой усулидаги ахвол. Кебекхон ислохотлари.

Чиғатой улусининг таназзули. Моварауннахрда мўғул давлатининг ташкил топиши.

Ўрта Осиёнинг мўғуллар томонидан забт этилишининг оқибатлари.

**Гуруҳларда ишлаш учун вазифалар**

***1 гуруҳ***

Маърузанинг 1 саволи: "Моварауннаҳр ва Хоразмнинг мўғуллар томонидан истило этилиши ва мўғуллар ҳукмронлигининг ўрнатилиши" юзасидан Б-БХ-БО жадвалидаги 4 устунидаги шахсий маълумотларни таҳлил қилинг ва умумлаштиринг.

Жамоа бўлиб муҳокама этгандан сўнг жамоанинг жавобини тайёрланг ва уни кўргазмали материал қўллаган ҳолда (хронологик жадвал) презентация қилиб беринг.

***2 гуруҳ***

Маърузанинг 2 саволи: "Ўрта Осиё Чиғатой улуси таркибида. Маҳмуд Торобий қўзғолони" юзасидан Б-БХ-БО жадвалидаги 4 устунидаги шахсий маълумотларни таҳлил қилинг ва умумлаштиринг.

Жамоа бўлиб муҳокама этгандан сўнг жамоанинг жавобини тайёрланг ва уни кўргазмали материал қўллаган ҳолда (концептуал жадвал, структуравий-мантиқий чизма) презентация қилиб беринг.

***3 гуруҳ***

1. Маърузанинг з-саволи: “Ўрта Осиёда мўғуллар истилосининг оқибатлари” юзасидан Б-БХ-БО жадвалидаги 4 устунидаги шахсий маълумотларни таҳлил қилинг ва умумлаштиринг.

2. Жамоа бўлиб муҳокама этгандан сўнг жамоанинг жавобини тайёрланг ва уни кўргазмали материал қўллаган ҳолда (концептуал жадвал, структуравий-мантиқий чизма) презентация қилиб беринг.

## График органайзерлар вариантлари

(ўқитувчиники)

### 1. хронологик жадвал

**«Мовароуннаҳрда мўғуллар истилоси»**

Йил, ой                Эгалланган ҳудуд

### 2. Концептуал жадвал

**«Ўрта Осиё халқларининг мўғул истилочиларига қарши кураши»**

| Кураш шакли | Раҳбар | Сабаблари | Характери | Ҳаракатлантирувчи кучлари | Натижалари |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |
| | | | | | |
| | | | | | |

### 3. Структуравий-мантиқий чизма

**«Чиғатой улусида бошқарув тизими»**



**4. Т-жадвал**

**«мўғуллар истилоси оқибатлари»**

Ижобий салбий

## Гуруҳларда ишлаш тартиби ва регламенти

Б-БХ-БО жадвалидаги 4 устунидаги шахсий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришга – 3-5 мин.

Жамоавий муҳокамадан сўнг гуруҳ жавобини тайёрлаш ва кўргазмали материални тайёрлашга – 10 мин.

Кўргазмали материални презентация қилишга – 7-10 мин.

Бошқа гуруҳларнинг чиқишларини муҳокама этиш ва баҳолаш – 3-5 мин.

Мустақил ишлаш учун вазифа

**1 вазифа.** Ушбу мавзу юзасидан берилган маъруза ва қўшимча адабиётларни чуқур ўрганиб, семинар дарсида бўладиган дискуссия машғулотига яхши тайёргарлик кўриш.

**2 вазифа.** Мўғуллар ҳукмронлиги йилларида Мовароуннаҳрда ер эгалиги схемасини тузинг.

**3 вазифа.** Назорат саволларига жавоб бериб мавзуни қай даражада ўзлаштирганингизни текширинг.(7-илова)

## Билимларни текшириш учун назорат саволлари

Мўғулларнинг босиб олинган ҳудудлардаги халқларга нисбатан моддий ва маданий жиҳатдан орқада бўлишига қарамасдан ғолиб чиққанларининг сабаби нимада?
XII аср бошларида Хоразмшоҳлар давлатининг заифлашуви сабаблари нимада?
Чингизхоннинг Ўрта Осиёга режаларига “Ўтрор фожиаси” қандай таъсир кўрсатди?
Мовароуннаҳрдаги мўғул истилосини олдини олиш мумкинмиди?
Мўғуллар истилосидан кейин Мовароуннаҳрдаги бошқарув тизимининг ўзига хослиги нимада?
Сотиб олиб бошқариш усулининг моҳияти нимада?
Мўғул хонларининг бўйсундирилган халқларга нисбатан сиёсатидаги қарама-қаршиликлар нимада?
Мўғул хонлари Ўрта Осиёда ўз куч-қудратларини мустаҳкамлаш учун нима ишларни амалга оширдилар?
Ўрта Осиё халқларининг истилочиларга қарши озодлик учун курашларининг ўрганишнинг долзарблигини мисоллар билан исботланг.
Мўғуллар истилоси Ўрта Осиё давлатчилигига қандай таъсир кўрсатди?
Мўғуллар истилоси Мовароуннахрнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига қандай таъсир кўрсатди?

**Мустақил иш учун бериладиган вазифалар.**

Ушбу мавзуни семинар-баҳс дарсига муносиб тайёрлаб келиш

**“Нима учун”? техникаси**

Бу услуб муаммони энг сўнгги сабабларини аниқлашни ўйлаш учун бутун бошли занжир техникаси бўлиб, сиз муаммони номини тузишдан бошлайсиз. Сўнг “Нима учун” саволи билан мослама (стрелка) чизилади ва мияга келган сўз билан саволга жавоб ёзасиз. Бу жараён то муаммонинг якуний сабабларини топгунга қадар давом этиши мумкин.




ва хоказо қоидаси:

Шаклларни ўзингиз танлаб оласиз: думалоқли ёки тўғри бурчаклими?

Ўйлаш занжири жадвали кўринишини ўзингиз танлаб оласиз: Спирал, чизиқли, чизиқсиз.

Стрелка сизнинг қидирув йўналишингизни билдиради, бошланишдан ўйлаш охирига етгунча.

**Тўрт томонлама бахс муҳокамаси учун саволлар рўйхати:**

Ўрта Осиёга бостириб келгунга қадар Чингизхон ва мўғул давлати хақида сизга қайси маълумотлар маълум эди?

XIII аср бошларида Хоразмшохлар давлатининг заифлашуви сабаблари нимада эди?

Чингизхоннинг Ўрта Осиёни босиб олиш режасида “Ўтрор фожиаси” қандай рол ўйнайди?

Мўғул истилосига қарши мудофаа режасини тузишда Муҳаммад Хоразмшоҳ хато тактикаси қандай оқибатларга олиб келди? Нега у бу йўлни танлади?

Муғул зарбалари остида Хоразмшохлар давлатининг қулашига нималар сабаб бўлди? Бу қандай рўй берди?

Мўғул истилосига қарши Ўрта Осиё халқларининг олиб борган курашида қайси ёрқин қахрамонона ибратни биласиз.

Мўғул хукмронлиги ўрнатилгандан сўнг Моварауннахрни бошқаришнинг қандай хусусиятлари бор эди.

Мўғул истилосидан сўнг Моварауннахрда хўжалик хаёти қандай кечди?

Мўғулларга қарши Махмуд Торобий қўзғолонининг сабаблари, унинг бориши ва оқибатлари?

Кебекхон томонидан қандай ислохотлар ўтказилди ва унинг мақсадлари нима эди?

XIV аср II ярмида Моварауннахрда қандай сиёсий холат юзага келди?

Мўғул истилосининг Ўрта Осиё халқлари учун қандай оқибатлари бўлди?

**Ўқув вазифаси**

“Мўғул зулм халқнинг айнан қалбини яралаган эди” мавзусида қисқагина аниқ фикрлардан иборат эссе ёзиш керак.

**Икка томонлама бахс усулини ўтказиш тартиблари.**

Гурух икки қисмга бўлинади ва бир бирига қарама-қарши жойлашади.

Мухокама қилиниши керак бўлган саволлар хар икки гурухга тенг бўлиб берилади (бир гурухга жуфт, иккинчи гурухга тоқ номерли).

Ўқув вазифасини хар икки гурух бажаради

Гурухлар саволларга умумий жавоб тайёрлайдилар (жуфт холда, жамоа холда) тақдимот варақаларини ўқув вазифасини тайёрлайдилар.

Гурухлар аъзолари бир-бирига саволлар берадилар, жавоб берадилар, тўлдирадилар, аниқлик киритадилар, хатоларни тузатадилар, ўзларининг эссеёзган вариантларини тақдим этадилар.

Экспертлар бу жараённи кузатиб бориб хар бир гурухга муаммли савол берадилар, гурухлар ишига бахо берадилар.

Эслатма: Бахсда ўртага ташланган саволлар талабаларга аввалдан бериб қўйилиши мумкин (аввалги амалий машғулотда). Ижодий вазифалар ушбу машғулотни ўзида талабаларга эълон қилинади.

**Мустақил ишлаш учун вазифалар.**

“Нима учун” график органайзерни тўлдириш

Гурухда ишлаш  учун ўқув вазифасини бажариш ва тақдим этиш

Тест вазифаларини бажариш мавзуси бўйича материалларни ўзлаштирилганлиги хақида ўз-ўзини текшириш ўтказиш.

И.Мўминовнинг “Ўрта Осиё тарихида Амир Темурнинг тутган ўрни” рисоласини ўқиб чиқиш. (Т. “Фан”. 1968, IX мавзу маърузага тайёрланиш учун)

**7-Мавзу: Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилиги. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаёт**

**Кўргазмали материаллар:**




**Амир Темур ва темурийлар даврида ўзбек давлатчилигининг юксалиши. Темурийлар давлати сиёсий тузуми**




**Темурийлар давлатида бошқарув тизими**




**Темурийлар харбий бошқарув тизими**




**Темурийлар даврида маҳаллий ҳокимият**



Бек (Хоким)
Доруға
Кутвол
Қози
Фақиҳ
Мунши
Шайхулислом
Сипохийлар
Амир
Ёрғучи
Калонтар
Кадхудо
Раият
Ҳунарманд
Савдо аҳли
Зироатчи

# Темурийлар давлатида ижтимоий тузум

**Ер эгалиги шакллари**

- Давлат
- Хусусий
- Вақф
- Жамоа

**Тархон ёрлиқлари**

Мулкни солик ва тўловлардан озод қиларди

амир, бек, саркардалар, амалдорлар, уламолар, сарой аъёнлари

*<u>Солиқ ва мажбуриятлар:</u>*

- *хирож («мол»), ушр (1/10)*
- *закот ва жон солиғи («саршумар»)*
- *фавқулодда солиқлар (аваризат) ва амалдорлар учун солиқлар(10-11 турда)*
- *мажбуриятлар: бегар, улоқ*

# Темурийлар даврида савдо ва пул муомаласи



**Шоҳрух даврида ягона пул тизими жорий этилди:3 хил кумуш пуллар:**
***танга, динар* ва *чахорам*, шунингдек**
**мис *пул чақа* муомалада бўлган**

***Ташқи савдо***

- Ҳиндистон
- Хитой
- Тибет
- Олтин Ўрда
- Сибир хонлиги



**Эксперт варақлари**

## Эксперт варақ №1

1. Сизлар “Амир Темурнинг Мовароуннахр ерларини бирлаштириш ва марказлашган давлатнинг тузилиши” деган саволга жавоб беришларингиз ва бошқаларга ҳам ўргатишингиз керак.

2. “Амир Темурнинг ҳарбий юришлари” деган мавзуда концептуал жадвал тузинг?

## Эксперт варақ №2

1. Сизлар “Амир Темурнинг ички сиёсати”, “Темур тузукларининг аҳамияти” деган саволни ёритишларинг ва бошқаларга ҳам ўргатишларинг керак.

2. Амир Темур давлатининг марказий бошқарув тузилиши тўғрисида стуруктурали мантиқий жадвал тузинг?

## Эксперт варақ №3

1. Сизлар “Амир Темур вафотидан кейин салтанатдаги вазият ва Амир Темур салтанатининг парчаланиб кетиши” саволига жавоб беришларингиз ва бошқаларга ҳам ўргатишларингиз керак.

2. Амир Темур давлатининг ғарб давлатлари билан дипломатик алоқалари тўғрисида стуруктурали мантиқий жадвал тузинг?

1. 1370 йилда Амир Темур ҳокимиятни қўлга киритгач, давлат бошқа- рувини ўз қўлида сақлаб, ўша давр қоидаларига кўра Чингизхон авлодига мансуб бўлган кишини

Мовароуннаҳрнинг амалдаги хони қилиб қўяди. Хўш, бу сохта хон қандай ном билан аталган? Бу хонни катакчалардан топинг.

| | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ю | | | | | м | | |

2. Амир Темурнинг Тўхтамишни тор-мор этиб, Олтин Ўрда далвтига барҳам берган ва Россияни мўғуллар зулмидан озод бўлишига имкон яратган жанги Россиянинг бир дарёси соҳилида бўлиб ўтган эди. Бу қайси рус дарёси эди?

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | е | | е | |

3. 1409 йилда Шохруҳ мирзо бутун темурийлар давлатининг олий ҳукмдори деб эътироф этилгач, Мовароуннахр ерларининг бошқаруви Улуғбекка топширилган. У ҳам ёш бўлганлиги боис, бир амир унга оталиқ қилиб тайинланган ва у бошқарув ишларини олиб борган. Бу амир ким эди?

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ҳ | | | | и | |

4. Амир Темур даври ички сиёсатида фуқароларга бир қатор эркинлик ва имтиёзлар берилган. Энг муҳими, бу даврда ҳеч бир шаҳар ва қишлоқларда одамлардан жон бошидан ва хонадондан солиқлар олинган. Бу икки турдаги солиқ ўша даврда қандай номлар билан аталган?

| | | |
|---|---|---|
| | а | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | м | | |

(жон боши солиғи)

| | | | |
|---|---|---|---|
| | | н | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | о | |

(хонадон солиғи)

5. Соҳибқирон Амир Темур бутун умри давомида ҳалолликка, покликка ва ростгўйликка амал қилган. Шу боис, у бутун ҳаёти ва фаолиятида “Рости-русти” шиорини қўллаган. Бу шиор бугун қандай ном билан аталмоқда?

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | у | | | | | о | | | т | | |

6. Президентимиз И.А.Каримов Амир Темурнинг бу шиорига бугунги кун тараққиёти нуқтаи-назаридан қўшимча қилиб яна бир шиорни илгари сурдилар. Юртбошимизнинг бу шиорини номини топинг?

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | и | | | в | а |

**Мустақил ишлаш учун вазифа**

1. Маърузa матнини ўқиш.
2. Берилган саволларга гуруҳда жавоб тайёрлаш.
3. Берилган жавоблар тақдимотини ўтказиш.
4. Ўқув материалларини ўзлаштирганлигининг ўзаро текширувини ўтказиш.

**Ишнинг тартиби ва регламенти**

1. Гуруҳларга берилган вазифани тушунтириш-2 дақиқа.
2. Гуруҳчалар талабаларининг жамоа бўлиб ишлаши, мушоҳада этиб жавоб тайёрлаши-10 дақиқа.
3. Гуруҳча аъзоларининг тайёрланган жавобни изоҳлаши ва бошқаларга ҳам ўргатиши-13 дақиқа.
4. Бошқа гуруҳлар жавобларига ўзаро фикр ва мулоҳазалар билдириш-5 дақиқа.

**Мавзу юзасидан кичик тест саволлари**

1. Саҳибқирон Амир Темур биринчи навбатда ўзининг қайси жиҳати билан бошқа подшоҳлардан фарқ қилади?

а) жаҳонгирлиги ва саркардалиги билан;

б) одиллиги ва бунёдкорлиги билан;

в) ўз халқига меҳрибонлиги билан;

2. Амир Темур ўзининг қайси хизмати билан Европа халқларини босқинчилик ва талончиликлардан ҳалос этди?

а) Олтин Ўрда хони Тўхтамишни тор-мор этиш билан;

б) Европагача бўлган ҳудудларни ўз давлатига бирлаштириши билан;

в) Туркия султони Боязидни тор-мор этиши билан;

3. Амир Темур ўзининг марказлашган қудратли давлатини қайси йиллар мобайнида тузиб бўлди?

а) 1370-1388 йиллар;

б) 1370-1386 йиллар;

в) 1370-1390 йиллар;

4. Амир Темур давлати марказий ҳокимиятдан ташқари яна нечта улусдан иборат бўлган?

а) беш улусдан;

б) тўрт улусдан;

в) уч улусдан;

5. Амир Темур давлатининг ижтимоий асосини 12 та тоифага бўлган. Улардан қайси тоифа биринчи ҳурмат ва эътиборга сазовор бўлган?

а) саййидлар;

б) вазирлар;

в) суфийлар;

6. Амир Темурнинг истиқболини башорат қилган, кейинчалик Соҳибқироннинг пири бўлган киши ким?

а) Аҳмад Яссавий;

б) Сайид Барака;

в) Хўжа Аҳрор Вали;

7. Самарқандда Амир Темур томонидан бунёд этилган боғлар қайси жавобда тўғри берилган?

а) Боғи дилкушо, Боғи Сафед, Боғи Калон;

б) Боғи Сафед, Боғи Зубайда, Боғи шаҳар;

в) Боғи дилкушо, Боғи беҳишт, Боғи баланд;

8. Мирзо Улуғбек қачон ва қерда таваллуд топган?

а) 1394 йил Султонияда;

в) 1390 йил Самарқандда;

в) 1392 йил Ҳиротда;

9. Улуғбекнинг қайси падаркуш ўғли унинг ўлмига сабабчи бўлган?

а) Абдулазиз;

б) Жуки;

в) Абдуллатиф;

10. Мирзо Улуғбек қандай тарихий асар ёзган?

а) “Бухоро тарихи”;

б) “Тўрт улус тарихи”;

в) “Зафарнома”.

**Кичик тест саволларига жавоб топиш ва уни текшириб, натижаларини эълон қилиш кшрсатгичлари ҳамда баҳолаш мезони**

1. Саволларга жавоб топиш-7 дақиқа.

2. Жавобларни йиғиб олиш ва натижаларини текшириб, эълон қилиш-8 дақиқа.

3. Талабалар томонидан жавоблар берилгач, ўқитувчи бир гуруҳчадан йиғилган (гуруҳ иккига бўлинган эди) тестларни йиғиб иккинчи гуруҳча талабаларига тарқатиб чиқади, иккинчи гуруҳча талабалари тестларини йиғиб, 1-гуруҳча талабаларига тарқатади.

4. Барча гуруҳчалар талабаларига ҳар бир саволнинг тўғри жавобини ўзи айтиб туришини, агар тўғри жавоб топилган бўлса, ҳар бир тўғри жавобга “5 бал” қўйишларини, нотўғри жавоб берган бўлса “0 бал” қўйишларини тушунтиради.

5. Барча саволларга текширувчи талабалар бал қўйиб бўлгач, ўқитувчи жавоб балларни қўшиб чиқиб, умумий йиғиндисини чиқариб, имзо (текширувчи имзоси) қўйишларини сўрайди.

6. Ўқитувчи қуйидаги мезон асосида баҳолашини тушунтиради:

**“Мўжизалар майдони” ўйини шаклидаги назорат саволлари**

1. Амир Темур давлатида бугунги олий суд функциясини бажарган бир лавозим бўлган. Бу лавозимга фиқҳ (мусулмон қонуншунослиги) ва бошқа илмлардан кенг маълумотга эга бўлган кишилардан қўйилган. У қозилар- нинг фаолиятини ҳам назорат қилиб турган. Қози қабул қилган қарор ёки ажрим фақат унинг тасдиғидан ўтгандан кейингина кучга кирган.

Бу лавозим қандай ном билан аталган?

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

2. Темур даврида суд тизими кенг кўламда ривожланиб, бу тизим бутун мамлакат бўйича жиноят содир бўлишининг олдини олиб, фуқаролар ҳуқуқини ҳимоялаб турган.

Темур даврида яратилган суд-ҳуқуқ тизими ва бу тизим ходимлари қандай номлар билан аталган?

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

тизим

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

(ходимлар)

3. Амир Темур Хитойга ҳарбий юриш вақтида қаттиқ бетоб бўлиб, 1405 йилнинг 18 феврал кечаси Ўтрорда ҳоким саройида вафот этади. Ўша пайтда Ўтрор ҳокими ким эди?

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

4. Халил Султон Мовароуннаҳрда ўз ҳолича иш тутиб, Темурий зодагонлари ва амирларини камсита бошлайди. Мусулмон уламоларни, хусусан Нақшбандия тариқати намояндаларини тахқирлай бошлайди. Унинг айниқса, бу тариқатнинг машҳур бир таниқли шайхини таҳқирлаши мухолиф кучларнинг унга нисбатан душманлигини кучайтириб юборади. Бу таниқли, Нақшбандия тариқати шайхининг исмини топинг.

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | |
|---|---|---|---|---|

5. Улуғбек ўз салтанати чегараларини мустаҳкамлаш учун бир ҳукмдорни Дашти Қипчоқ ҳокимияти тепасига чиқиб олишига ёрдам беради. У ҳукмдор кейин Олтин Ўрда ерларини ҳам эгаллаб, Улуғбек ёрдамини ҳам ёддан чиқаради.

Улуғбек бу ҳукмдорга қарши Дашти Қипчоққа юриш қилади, аммо мағлубиятга учрайди. Улуғбекни енгиб, Сирдарё бўйиларидаги айрим ерларни эгаллаган бу Дашти Қипчоқ ва Олтин Ўрда ҳукмдори ким эди?

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

6. Улуғбек 10 ёшга тўлгач, Олтин Ўрда хони Ўзбекхон сулоласига мансуб, онаси томонидан қариндош бўлган Муҳаммад Султоннинг қизига уйлантиришди. Бу қизга уйланиш Улуғбекка Амир Темур каби “кўрагон”, яъни хон куёви деган фахрли номни қабул қилиш имконини беради. Улуғбек уйланган бу хон қизи ким эди?

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

**Мустақил ишлаш учун вазифа**

1. Дарсликдаги ушбу мавзуни ва маъруза матнини ўқиш.
2. Амир Темур салтанати харитасини тузиш.

**8-Мавзу: Туркистоннинг хонликларига бўлиниб кетиши, унинг сабаблари ва оқибатлари.**

**Кўргазмали материаллар:**

1-жадвал:



2-жадвал:

## Давлат тизими




**Нуён**
**Туғбеги**
**Тавочи**
**Жевачи**
**Қутвол**
**Доруға**
**Қўрчибоши**
**Мингбоши**
**Қози аскар**
**Чеҳра боши**
**Қози муфти**

**Шиғовул**
**Хазиначи**
**Мушриф**
**Девонбеги**
**Вазир**
**Вазири Аъзам**
**Парвоначи**
**Нақиб**
**Оталиқ**
**Кўкалдош**

**Мударрис**
**Раис (Мухтасиб)**
**Муфтий**
**Имом Садр**
**Аълам**
**Қози калон**
**Шайх ул- Ислом**

3-жадвал:




Шайбонийлар ҳарбий қўшинларининг тузилиши







Аштархонийлар сулоласи
Жони Муҳаммад султон
Боқи Муҳаммад (1601-1605)
Вали-Муҳаммад (1605-1611)
Динмуҳаммад
Имомқулихон (1611-1642)
Нодир-Муҳаммад (1642-1645)
Абдулазизхон (1645-1680)
Субҳонкулихон (1681-1702)
Убайдуллахон I (1702-1711)
Абулфайзхон (1711-1747)
Абдулмўмин (1747-1751)
Убайдуллахон II (1751-1753)


Аштархонийлар даврида давлат бошқаруви
Хон
Марказий бошқарув
Маҳаллий бошқарув
Вилоят беги
Ҳарбий ишлар
Диний бошқарув
Сарой
қози
муфтий
раис
Ҳарбий ишлар
Диний бошқарув
Туман беги
соликчи
оқсоқол

# Ижтимоий-иқтисодий ҳаёт

- Иқтисодий инқироз: экин майдонларининг қисқариши; суғориш иншоотларининг бузилиши; аҳолининг қашшоқлашиши
- Солиқлар – хон хазинасининг асосий даромад манбаи(уларнинг сони 90 га етган)

Давлатдаги сиёсий беқарорликни нг иқтисодий ҳаётга таъсири

Қишлоқ хўжалиги, деҳқончиликнинг ривожи мамлакатни тўлиқ парокандаликдан асраб турар эди



## Ўзбек хонликларининг маъмурий бўлиниши

- вилоят, бекликлар
- туманлар
- Амлок ерлар
- шаҳар, қишлоқ, овуллар (оқсоқолликлар)

**Аҳоли сони:**

- Хива хонлиги– 1 млн. киши атрофида
- Бухоро амирлиг – 2 млн. киши атрофида
- Қўқон хонлиги – 3млн. киши

4-жадвал:

## Ўрта Осиё  хонликларида ер эгалиги

**Мулки Султоний** → Хонга, унинг яқинларига тегишли ер-мулклар

**Танхо** → Давлат олдидаги хизматлар учун ҳарбийларга бериладиган ер мулклари. Улар мерос тариқасида авлоддан-авлодга ўтмаган

**Мулки Хорис-хусусий ер-мулклар** → **Суюрғол**, **Иқтоъ**

**Суюрғол** → Сулола аъзолари, ҳарбий бошлиқлар, давлат арбоблари, уламоларга хизмати учун берилган инъом-(вилоятлар, туманлар). Суюрғол эгаси молиявий ва маъмурий имтиёзларга эга бўлган.

**Иқтоъ** → Ўрта аср шарқида кенг тарқалган хусусий ер эгалиги, кўпинча ҳарбий-маъмурий амалдорларга бериладиган ер мулкидир. Ер эгалари иқтадор деб аталган. Даромаднинг бир қисми давлат хазинасига топширилган.

**Вақф ерлар** → Масжидлар, мадрасалар, хонақохлар, қабристонлар ва бошқа диний идораларга тегишли ер-мулклари

**Қишлоқ жамоаларига тегишли ерлар** → Қишлоқ жамолари ва деҳқонларга тегишли кичик ер мулклари. Одатда унга қишлоқ бойлари эгалик қилиб, бу ерга қишло аҳолиси ижара асосида деҳқончилик қилганлар.




## Қўқон хонлари:

Шохрухбий – 1710-1721 йй.
Абдураҳимбий – 1721-1733 йй.
Абдукаримбий – 1733-1752 йй.
Абдураҳмонбий – 1750-1751 йй.
Эрдонабий – 1751 -1753 йй.
Бобобек- 1 756-1554 йй.
Эрданобий (2 марта) – 1755-1769 йй.
Сулаймонбек – 1769 йил 6 ой ҳукмронлик қилди.
Норбўтабек – 1763-1798 йй.
Олимхон – 1798-1810 йй.
Умархон (Амирий)- 1810-1820 йй.
Муҳаммад Али (Мадалихон) – 1821-1842 йй.
Бухоро амири ноиби Исҳоқ манғит 1842 йй. (3 ой)
Шералихон – 1842-1845 йй.
Худоёрхон –1845 –1858, 1863 (4 ой), 1865-1875 йй.
Маллахон – 1858-1862 йй.
Шохмуродбек – 1862-1863 йй.
Султон Мурод – 1863-1865 йй.
Насриддинбек – 1875-1876 йй


Хонликлар аҳолиси миллий таркиби
Хива хонлиги
Ўзбек, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, эроний, араб ва бошқалар.
Бухоро амирлиги
Ўзбек, тожик, туркман, қорақалпоқ, қозоқ, эроний, араб , бухоро яҳудийлари, форслар, ҳиндлдар, лўлилар ва бошқалар
Қўқон хонлиги
Ўзбек, тожик, қирғиз, қорақалпоқ, қозоқ, араб , бухоро яҳудийлари, уйғурлар, татарлар ва бошқалар

# ХОНЛИКЛАР ДАВРИДА СОЛИҚЛАР ТИЗИМИ

- **ХИРОЖ** – ер солиғи бўлиб, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 5/1 миқдорида пул ёки маҳсулот билан олинган;
- **ЗАКОТ** - савдогарлар ва чорвадорлардан олинган ва бойлигининг 40/1 миқдорида ундирилган;
- **ТАМҒА** - шаҳар аҳолиси, савдогарлар ва ҳунармандлардан ундириладиган махсус солиқ;
- **ТАХТИ ЖОЙ( ТАГЖОЙ) СОЛИҒИ** - савдо расталарида дўконларни ижарага олиб, ўз маҳсулотларини сотганликлари учун тўланадиган солиқ;
- **ЖИЗЬЯ** – бошқа динга мансуб(христиан, яҳудий, буддавий) савдогарлар ўз маҳсулотининг 5/1 миқдорида тўланадиган солиқ;

- Ундан ташқари бу даврда **ихрожат, тоғар, улуфа, қўналға, бегар, мадади лашкар, бож, тансуқот, туҳфа** ва бошқа солиқлар жами 40 дан ортиқ солиқ ва жарималар мавжуд бўлган;

- Аҳоли солиқ тўлашдан ташқари яна турли мажбурий ишларга ( мудофаа иншоотларини, суғориш тармоқларини тиклаш, йўл, кўприклар қуриш кабиларга) мажбуран жалб этилган)

## Хонликлар даври илм-фани ва адабиёти

- ***Тарихнавислик –*** Абдуллоҳ Насруллоҳий – «Зубдат ал-асар», Мирзо Муҳаммад Ҳайдар – «Тарихи Рашидий», Ҳофиз Таниш Бухорий – «Абдулланома(Шарафномаи шоҳий)» , муаллифи номаълум – Таворихи гузидаи Нусратнома», Зайниддин Васифий – «Бадоеъ-ул вақоеъ».
- ***Аниқ фанлар –*** Муҳаммад Амин ибн Убайдулло Мўминбой – «Ҳисоби амали шабака», Бобакалон муфти Самарқандий – «Рисола дар илми ҳисоб», «Васият бар чаҳар қисм», Муҳаммад Ҳусайн Мунажжим Бухорий – Маърифати самти қибла».
- ***Тиббиёт –*** Султонали Самарқандий – «Дастур-ул илож», Муҳаммад Юсуф Қаҳҳол»Таҳқиқ-Хумаййот», «Зубдат-ул Қаҳҳолий», Убайдуллоҳ Қаҳҳолибн Муҳаммад Юсуф «Шифо-ул илал»(Касалликлар давоси), Ум дат-ул куҳлия фил-амродул басария»(Кўз касаллигига доир асосий китоб***).***
- ***АДАБИЁТ:***
- **Шоирлар**: Муҳаммад Солиҳ, Ҳожа, Афсадий, Восифий, Мажлисий, Убайдий, Бақоий, Шайдо, Ошиқ, Азизий, Нисорий, Мушфиқий, Нахлий, Мутрифий, Хон (Абдуллахон II).
- **Асарлар:** Ҳасанҳожа Нисорий – «Музаккири Аҳбоб» (Дўстлар ёдномаси), Муҳаммад Шоҳбат Шайбонийхон – «Баҳр-ул худо», Дўст Муҳаммад Султон ибн Наврўз Аҳмадхон – «Силсилот-ус салотин ва анис-ул ошиқин» ва бошқалар.

**Диққатни жалб этувчи саволлар**

1. Мухаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннахр ва Хуросонни нисбатан осон эгаллашга нималар сабаб бўлди?

2. Темурийлар давлатининг тез инқирозга учраш сабаблари нимада эди?

3. Кўчманчи Ўзбеклар кимлар эди?

4. Қандай сабабларга кўра Шайбонийлар хокимияти ағдарилди?

**Эксперт варақаси №1**

1.”Бухоро хонлигининг ташкил этилиши ва хонликнинг сиёсий тарихи” деган саволга жавоб беринг.(саволга жавоб беришда график органайзер ва хронологик жадвалдан фойдаланинг).

**Эксперт варақаси №2**

1.”Хива хонлигининг ташкил этилиши ва унинг сиёсат тарихи ” деган саволга жавоб беринг. (саволга жавоб беришда график органайзер ва храналогик жадвалдан фойдаланинг)

**Эксперт варақаси №3**

1. “Қўқон хонлигининг ташкил этилиши ва хонликнинг сиёсий тарихи” деган саволга жавоб беринг.(саволга жвоб беришда график органайзер ва хронологик жадвалдан фойдаланинг)

**Эксперт варақаси №4**

1.”Бухоро амирлигининг ташкил топиши ва амирликнинг сиёсий тарихи” деган саволга жавоб бкринг.(саволга жвоб беришда график органайзер ва хронологик жадвалдан фойдаланинг)

**Назорат саволлари.**

1. Мухаммад Шайбонийхоннинг Мовароуннахр ва Хурасонни осон эгаллашининг сабаблари нимада эди?

2. XIV аср бошида Хоразимда қандай воқеалар содир бўлди , хокимият кимлар қўлида эди?

3. Бухоро хонлиги қандай ташкил топди?

4. Абдуллахон II даврида Бухоро хонлиги ижтимоий-сиёсий ҳаётида қандай ўзгаришлар бўлди?

5. Қачон , ким томонидан қандай қилиб Қўқон хонлиги вужудга келди?

6. Хонликларнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданият турмушидаги қолоқликнинг сабабларини кўрсатинг?

7. Хонликлархукмронлик қилган сулолаларни биласизми ?

8. Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетишининг оқибати нималарга олиб келди?

**Мустақил ишлаш учун вазифа.**

1. Маьруза конспектни ўқиш.
2. Берилган саволларга группада жавоб тайёрлаш.
3. Берилган жавоблар тақдимотини ўтказиш.
4. Назорат саволларга берилган жавобни ўзаро текшириш.
5. Гурухлар жавобини бахолаш.
6. Семинар дарсига пухта тайёргарлик кўриш

## 8- мавзу:Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари

**Ўқув топшириқлари:**

**Эксперт варақ № 1**

1. “Хива хонлигининг ташкил топиши” деган саволга жавоб беринг.

“Қўқон хонлиги” мавзусида концептуал жадвал тузинг.

**Эксперт варақ №2**

4. “Бухоро хонлигининг ташкил топиши” деган саволга жавоб беринг.
5. “Хива хонлиги” мавзусида концептуал жадвал тузинг

**Эксперт варақ № 3**

“Қўқон хонлигининг ташкил топиши” деган саволга жавоб беринг.

2. “Бухоро хонлиги” мавзусида концептуал жавдал тузинг.

**XVI-XIX асрнинг биринчи ярмида “Ўзбек хонликлари” мавзуида концептуал жадвал**

(Ўқитувчининг назорат варианти)

| | Хива хонлиги | Бухоро амирлиги | Қўқон хонлиги |
|---|---|---|---|
| Ҳудуди | | | |
| Ахоли сони ва таркиби | | | |
| Маъмурий бўлиниши | | | |
| Давлат бошлиғи | | | |
| Идора этаётган сулоланинг этник келиб чиқиши | | | |
| Марказий бошқарув бошлиғи | | | |
| Олий суд хокимияти | | | |
| Олий миршаб хокимияти | | | |
| Давлатнинг иқтисодий асоси | | | |
| Солиқ тизими асоси | | | |
| Ташқи савдо алоқалари йўналиши | | | |

**Назорат саволлари**

1. Кўчманчи ўзбекларнинг Ўрта Осиё ҳудудларининг ичкарисига оммовий равишда кўчиб ўтишининг сабаблари қандай эди?

2. Темурийлар давлатининг тез халокатга учрашининг сабаблари нималарда эди?

3. Ўрта Осиё халқлари тарихида Шайбонийлар давлати қандай роль ўйнади?

4. Хоразмнинг шайбонийлар давлатидан эрта ажралиши ва Хива хонлиги тузилишининг сабаблари нималардан иборат эди?

5. Бухоро хонлиги қандай ташкил топди?

6. Қўқон хонлигининг тузилишига нималар сабаб бўлди ва хонликнинг асосчиси ким эди?

7. Уч хонлик сиёсий тараққиётидаги асосий фарқлар қандай эди?

8. Хонликлардаги давлат қурилиши, солиқ тизимидаги фарқлар нималардан иборат эди?

9. Хонликлардаги иқтисодий тараққиётнинг ўзига хослиги қиндай эди?

10. Туркистоннинг хонликларга бўлиниб кетиши сабаблари ва оқибатлари нималардан иборат эди?

**Мустақил иш учун вазифа**

Гуруҳда ишлаш учун берилган ўқув топшириқлари саволларига жавоб тайёрлаш.

Гуруҳ иши натижаси тақдимотини ўтказиш.

Ўқув материалларини ўзлаштирилганлигининг ўзаро текширувини ўтказиш, назорат саволларига жавоб бериш.

| | |
|---|---|
| **9-Мавзу** | **Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши. Чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий озодлик кураши. Жадидчилик** |

**Талабалар фикр ва мулоҳазаларини аниқлайдиган муаммоли саволлар**

1. Собиқ Иттифоқ давридаги барча адабиётларда, жумладан тарихий китобларда “Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинган”, деган ибора ишлатилар эди. Бундай дейилишига сабабнима эди?

2. Подшо Россияси мустамлакачилиги билан совет мустамлакачилигининг фарқи борми? Бўлса, бу фарқ нималарда кўринади?

**Кўргазмали материаллар**


Подшо Россияси томонидан Ўрта Осиёни босиб олишга интилишнинг қуйидаги сабаблари мавжуд эди
ТАРИХИЙ
СТРАТЕГИК
СИЁСИЙ
ИҚТИСОДИЙ
ГЕОПОЛИТИК

# Ўрта Осиёда Россия истилоси сабаблари

- россия саноати учун хом ашё базаси ва ишлаб чиқарилган маҳсулотлари учун бозорлар зарурияти
- россия ички муаммоларини ҳал этиш зарурияти
- Англиянинг Ўрта Осиё сиёсатининг фаоллашуви
- Ҳинд океанига чиқиш учун ҳарбий плацдарм сифатида Туркистондан фойдаланиш режаси
- Қрим урушидаги мағлубият туфайли халқаро майдонда Россиянинг тушиб кетган обрўсини кўтариш учун уриниш


Туркистон генерал – губернаторлиги
Хива хонлиги
Бухоро амирлиги
ВИЛОЯТЛАР
Еттисув
Сирдарё
Самарқанд
Фарғона
Каспийорти
УЕЗДЛАР
Тошкент Чимкент, Авлиёота, Қозоли, Перов, Қурама, Туркистон.
Қўқон, Андижон, Наманган, Марғилон, Ўш, Чуст, Чимён.
Верний Копол Лепсин Жаркент Пишпек Пржевалск Тўқмоқ
Самарқанд Жиззах Каттақўрғон Хўжанд
Ашхабод Красноводек Марв Тажан Манғишлоқ.

# Чоризмнинг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсати




# Пахтачиликнинг ривожлантирилиши

**Туркистонда пахта майдонларининг ошиб бориши ( минг десятина ҳисобида)**

| йиллар | Фарғона вилояти | Сирдарё вилояти | Самарқанд вилояти |
|---|---|---|---|
| 1900 | 188,4 | 15,5 | 17,0 |
| 1905 | 166,1 | 13,2 | 18,8 |
| 1910 | 199,4 | 29,3 | 22,1 |
| 1915 | 250,9 | 69,9 | 29,3 |

▪Пахтачилик Россиянинг Туркистон иқтисодиётига аралашувининг асосини ташкил этди
• Туркистон Россиянинг пахта мустақиллигини таъминлади
• Пахта Россия империясининг бойишига ва маҳаллий аҳолининг қашшоқлашувига хизмат қилди

# САНОАТ РИВОЖИ

Саноат ривожи бир томонлама характерга эга бўлиб, асосан хом-ашёни қайта ишлаш ва қазиб олувчи соҳалар ривожлантирилди



Туркистон ўлкасида 1900 йилда 195 саноат корхонаси фаолият юритган

Саноат соҳалари:
- Пахта тозалаш
- Ёғ-мой
- тамаки
- Арoқ-вино
- кўнчилик
- Озиқ-овқат
- Тоғ-кон ва б.

1880 йилгача – 21 Корхона бор эди

Улар асосан маҳсулот ташиб кетишга хизмат қилар эди

Техник қолоқ эди

Ўта оғир меҳнат шароитлари

Асосий соҳа – пахтачилик (барча саноат маҳсулотининг 85% и)

# КЎЧИРИБ КЕЛТИРИШ СИЁСАТИ

Кўчириб келтириш мақсадлари:

- Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлаш, ижтимоий асосини кенгайтириш
- Россиянинг марказий туманларидаги аҳоли зичлиги ва ер етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш зарурияти



«Положение об управлении Туркестанским краем» 1886 г.

- Россиянинг фақат христиан динидаги қишлоқ аҳолиси кўчириб келтирилган
- кўчириб келтирилганлар 5 йил солиқлардан озод бўлиб, яна 5 йил ярим миқдорда тўлаганлар
- Кўчириб келтирилганлар учун мактаб ва черковлар маъмурият ҳисобидан қуриб берилган

Переселение сопровождалось насильственным захватом земли у коренного населения

кўчириб келтириш сиёсати натижалари:

- Туркистон ўлкасига биринчи 20 йилда 2170 деҳқонлар-рус мужиклари кўчириб келтирилган бўлса, 1910 йилга келиб 70 минг аҳолиси бор 124 рус қишлоқлари барпо этилди;
- Аҳоли асосан Сирдарё, Фарғона ва Самарқанд вилоятларига кўчириб келтирилди.

# Маориф тизими



**Таълим муассасалари**

- **Мактаб ва мадрасалар** → Анъанавий мусулмон ўқув даргоҳлари
- **Рус ва рус-тузем мактаблари** → ташкилот ва идоралар учун кичик хизматчилар тайёрлаган
- **Жадид мактаблари** → Туркистонда жадид мактабларига 1893 йилда асос солинган; 1908 йилда – 35, 1916 йилда – 92 жадид мактаби бор эди

# 1992 й. Тошкендаги "Вабо" исёни

| |
|---|
| **Қўзғолон санаси– 24 июн 1892 й.** |
| ***<u>қўзғолон сабаблари:</u>*** **яшаш шароитларининг кескин ёмонлашуви, нархларнинг ошиши, солиқларнинг кўпайиши, рус саноати товарларининг бозорни эгаллаши** |
| ***<u>қўзғолонга туртки берган воқеа:</u>*** **шаҳар маъмурларининг вабо эпидемиясига қарши маҳаллий шароитларни ўйламай қилган тадбирлари** |
| ***<u>Қўзғолончилар таркиби:</u>*** **мусулмон руҳонийлари бошчилигидаги шаҳар аҳолиси** |
| ***<u>Қўзғолончиларнинг талаблари:</u>*** **шаҳар раҳбарларини алмаштириш, аҳолига жабр-зулмни тўхтатиш** |



- ***Қўзғолон мустамлакачилар томонидан шавқатсизларча бостирилди***
- ***100 дан ортиқ киши ўлдирилди***
- ***60 киши қамоққа олинди, 8 киши умрбод каторга, қолганлари турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинди.***

# 1898 йил Андижон қўзғолони.



Қўзғолон санаси 1898 йил 17 май.

Қўзғолон раҳбари – Муҳаммад Али эшон (Дукчи эшон)

<u>Қўзғолон шиори:</u> мустамлакадан «ғазовот» йўли билан озод бўлиш, Фарғонада хон ҳокимиятини тиклаш

<u>Қўзғолон таркиби:</u> Деҳқонлар, шаҳар камбағаллари, уламолар, бойлар ва савдогарлардан иборат аҳоли оммаси

<u>Қўзғолон натижалари:</u>
- 1898 йил 18 майга ўтар кечаси 2000 қўзғолончилар Андижондаги рус гарнизонига ҳужум қилдилар, бироқ енгилдилар ва қочдилар
- қўзғолон бостирилганидан сўнг 546 киши қамоққа олинди, Муҳаммад Али эшон ва унинг 45 сафдоши қатл этилди, қолганлар Сибирга сургунга ва турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм этилдилар



# 1916 йил қўзғолони



Николай II нинг 1916 й. 25 июндаги «Империянинг рус бўлмаган аҳолисини Ҳаракатдаги армия учун мудофаа ва ҳарбий иншоотлар қурилишига, шунингдек давлат ҳимояси учун зарур бўлган бошқа ишларга сафарбар этиш ҳақида» ги Фармони

- 1916 йил июн ойи охирларидан бошлаб Туркистоннинг 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган эркак аҳолиси сафарбар этилиши лозим эди.
- Туркистондан 250 минг ишчи олиниши қатъий белгиланган эди

→ • сафарбарликка тайёргарлик мустамлакачиларнинг қуйи амалдорларига юклатилди

→ Бу эса оммавий қоидабузарликларга олиб келди

Туркистон ўлкасида ғалаёнлар 1916 йил 4 июлда Хўжанд шаҳрида 3000 дан ортиқ киши иштирокидаги «мардикорлик»ка қарши намойишидан бошланди

→ Қўзғолон иштирокчилари: ишчи ва ҳунармандлар, қишлоқ камбағаллари

1. Нега Ўрта Осиё масаласида Россия Англия билан рақобатлашди?

Подшо Россияси Ўрта Осиёни қатъий ҳаракатлар билан босиб олишни бошлашдан олдин ҳам бу ўлкани эгаллаш ҳаракатларини қилганмиди?

Подшо Россиясининг Туркистонннни тезроқ эгаллаш ҳаракатининг сабаблари нимада эди?

Нима сабабдан рус қўшинлари Туркистонни эгаллашда биринчи қуролли харакатини Қўқон хонлиги худудларига қаратди?

Рус қўшинлари Тошкент шаҳрини эгаллашда жуда катта қийинчиликларга учради. Бунинг сабаби нимада?

Тошкент эгаллангач, рус босқинчилари ўз харакат йўналишларини Бухоро амирлиги худудларига қаратди. Ҳали қўқон хонлиги тўлиқ эгалланмасдан бундай ҳаракат йўналишини ўзгартиришдан мақсад нима эди?

Нега руслар 1868 йилдан бошлаб Фарғона водийсига эмас, яна Бухоро амирлиги худудларини эгаллашга киришди. Бу йўналишларни ва бунинг сабаблари нима эди?

1873 йилда рус қўшинлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини мағлуб этгач, уларни ўз вассали (протекторати)га айлантирди. Нега улар хонлик сифатида тугатилмади-ю, вассалликка айлантирилди?

Руслар Тошкентни эгаллагач, дунё аҳлидан ўз қилмишларини бекитиш мақсадида бир қатор найранглар ишлатди. Шу мақсадда улар қандай тадбирларни амалга оширдилар ва улардан кўзланган мақсад нима эди?

Рус ҳукумати билан Бухоро амирлиги ўртасида 1868 йилда тузилган тузилган сулҳда қандай талаблар қўйилган эди?

Бухоро амирлигининг руслардан мағлуб бўлишига қандай омиллар муҳим роль ўйнаган?

Гандимиёнда тузилган сулҳда Россия Хива хонлигига қандай талаблар қўйган эди?

Подшо ҳукумати Туркистонни эгаллагач нима учун ўлкага русларни кўчириб келтиришга асосий эътиборни қаратди?

Рус ҳукуматининг аграр сиёсатининг моҳияти нимадан иборат эди?

Россия ҳукумати мустамлакачиликнинг маънавий-маърифий соҳасида қандай сиёсат олиб борди?

Россия мустамлакачилиги ўлкада қандай оқибатларга олиб келди?

Ўқитувчи “слайд” қилиб, компьютерга киритилган муаммоли саволларни экран орқали талабаларга беради. Ундан олдин эса талабаларни жуфтликларга бўлиб, “Мулоҳаза қилинг-фикрлар алмашинг” йўналишида иш тутади.

Изоҳ: 1) Талабалар бир-бирлари билан фикрлашиб, саволга жавоб юзасидаги ўз фикрларини бир-бирларига айтадилар. Фикрлашиб ягона жавобни танлайдилар.

2) Ўқитувчи “Блиц-сўров” ўтказиб, икки-уч жуфтликка ўз жавоблари билан ўртоқлашишни таклиф этади. Уларнинг жавобларига аниқлик киритади.

**“Кооп-кооп” техникаси (усули) асосида машқ (тест) топшириқлар**

Россия томонидан Ўрта Осиёни эгаллаш учун муҳим ҳаракатлар қайси рус подшоси даврида бошланган эди?

А) Иван Грозный даврида

Б) Пётр I даврида

В) Александр II даврида

Туркистон генерал губернаторлиги тузилганда дастлаб қайси ҳарбий вилоятлар унга қарар эди?

А) Сирдарё, Еттисув

Б) Закаспий, Еттисув

В) Зарафшон, Еттисув

Рус қўшинлари Ўрта Осиёни эгаллаш харакатини қайси қалъани эгаллашдан бошлаган эди?

А) Ичан қалъа

Б) Кўкмачит қалъа

В) Оқмачит қалъа

Туркистоннинг биринчи генерал губернатори ким эди?

А) Фон Кауфман

Б) Черняев

В) Корнилов

Подшо Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг асосини қандай сиёсат ташкил этар эди?

А) Аграр сиёсати

Б) Янги ерларни ўзлаштириш сиёсати

В) Руслаштириш сиёсати

Туркистон гинерал губернаторлиги билан Хива хонлиги ўртасидаги сулҳ қайси жойда тузилди?

А) Тахтада

Б) Хозараспда

В) Гандимиёнда

**Мосини аниқланг** (+ белгиси билан белгиланг)

1974-76 йилларда Қўқон хонлигида кўтарилган қўзғолонлар кимга қарши қаратилган эди?

Хонга    Генерал губернаторга    Подшога

Россия учун биринчи навбатда Ўрта Осиёнинг нимаси керак эди?

Олтинлари    Хом-ашёси    Ерлари

Бухоро амирлиги қай тартибда Россия қарамлигига айлантирилди?

Тўлиқ мустамлака    Ярим мустамлака    Ҳамкор, иттифоқчи давлат

Рус ҳукумати қайси ташкилот орқали Хива хонлигининг ички ишларини назорат қилиб турди?

Рус агентлиги Генерал губернаторлик Амударё бўлими

## Назорат саволлари:

Руслар Тошкентни эгаллагач, дунё аҳлидан ўз қилмишларини бекитиш мақсадида бир қатор найранглар ишлатди. Шу мақсадда улар қандай тадбирларни амалга оширдилар ва улардан кўзланган мақсад нима эди?

Рус ҳукумати билан Бухоро амирлиги ўртасида 1868 йилда тузилган сулҳда қандай талаблар қўйилган эди?

Бухоро амирлигининг руслардан мағлуб бўлишига қандай омиллар муҳим роль ўйнаган?

Гандимиёнда тузилган сулҳда Россия Хива хонлигига қандай талаблар қўйган эди.

Подшо ҳукумати Туркистонни эгаллагач нима учун ўлкага русларни кўчириб келтиришга асосий эътиборини каратди?

Рус ҳукуматининг аграр сиёсатининг моҳияти нимадан иборат эди?

Рус ҳукумати мустамлакачиликнинг маънавий-маърифий соҳасида қандай сиёсат олиб борди?

Россия мустамлакичилиги ўлкада қандай оқибатларга олиб келди?

## Талабаларга мустақил ишлаш учун вазифа

“Россия босқини оқибатлари” мавзусида тарихий иншо ёзиш.

“Чор Россиясининг Ўрта Осиёни эгаллаш йўналишлари” харитасини тузиш.

**9-мавзу: Чор Россиясининг Туркистонни босиб олиши. Чоризм истибдодига қарши Туркистон халқларининг миллий озодлик кураши. Жадидчилик**

**Талабаларни фаоллаштириш учун саволлар:**

1. Нега Ўрта Осиёни эгаллаш масаласида Россия Англия билан рақобатлашди?

2. Подшо Россиясининг Туркистонни тезроқ эгаллаш ҳаракатининг сабаблари нимада эди?

3. Рус қўшинлари Тошкент шаҳрини эгаллашда жуда катта қийинчиликларга учради. Бунинг сабаби нимада?

4. Нега руслар 1868 йилдан бошлаб Фарғона водийсига эмас, яна Бухоро амирлиги ҳудудларини эгаллашга киришди. Бу йўналишларни ва бунинг сабаблари нима эди?

5. 1873 йилда рус қўшинлари Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини мағлуб этгач, уларни ўз вассали (протекторати)га айлантирди. Нега улар хонлик сифатида тугатилмади-ю, вассалликка айлантирилди?

6. “Пўлатхон қўзғолони” номи билан аталган қўзғолон нима сабабдан бошланган эди?

7. Нима учун 1892 йилда Тошкентда бўлиб ўтган қўзғолон “Вабо қўзғолони” номи билан тарихга кирди?

8. Дукчи Эшон ким эди? Нима сабабдан у қўзғолонга бошчилик қилди?

9. 1916 йилда Туркистон ўлкасида бошланган қўзғолонларнинг бош сабаби нима эди?

10. Туркистон жадидларининг маърифат учун кураш дастурида нималарга эътибор қаратилган эди?

**“Кооп-кооп” техникаси ва “талабалар баҳолайди” (усули) асосида машқ (тест) топшириқлар**

1. Туркистоннинг биринчи генерал губернатори ким эди?

а) Фон Кауфман

б) Черняев

в) Корнилов

2. Подшо Россиясининг Туркистондаги мустамлакачилик сиёсатининг асосини қандай сиёсат ташкил этар эди?

а) Аграр сиёсати

б) Янги ерларни ўзлаштириш сиёсати

в) Руслаштириш сиёсати

3. Рус мустамлакачилигига қарши қўзғолонлар ўлканинг қайси ҳудудида кўпроқ содир бўлди?

а) Зарафшон воҳасида

б) Фарғона водийсида

в) Жанубий вилоятларда

4. Қуйидаги қайси асарда Намоз Примқулов бошчилигидаги ҳаракат акс эттирилган?

а) “Қасоскорнинг олтин боши”

б) “Падаркуш”

в) “Меҳробдан чаён”

5. Бу қўзғолоннинг бош мақсади нима эди?

а) Мустамлакачилик зулмидан қутилиш

б) Мустамлакачиларнинг “Ислом” ни таҳқирлашларига йўл қўймаслик

в) Фарғона водийсини озод этиб, хонликни тиклаш

Ўлка жадидлари 1917 йилнинг бошларидан ўлка сиёсий ҳаётини ўзгартириш учун ўз кураш фаолиятларини ўзгартирдилар. Улар энди нима учун кураш бошладилар?

а) Муҳторият учун

б) Ўлкани тўлиқ ажратиб олиш учун

в) Янги ҳукуматни қўллаб-кувватлаш учун

7. 1974-76 йилларда Қўқон хонлигида кўтарилган қўзғолонлар кимга қарши қаратилган эди?

а) Хонга

б) Генерал губернаторга

в) Подшога

8. Россия учун биринчи навбатда Ўрта Осиёнинг нимаси керак эди?

а) Отинлари

б) Хом-ашёси

в) Ерлари

9. Бухоро амирлиги қай тартибда Россия қарамлигига айлантирилди?

а) Тўлиқ мустамлака

б) Ярим мустамлака

в) Ҳамкор, иттифоқчи давлат

10. Рус ҳукумати қайси ташкилот орқали Хива хонлигининг ички ишларини назорат қилиб турди?

а) Рус агентлиги

б) Генерал губернаторлик

в) Амударё бўлими

**Назорат саволлари:**

1. Руслар Тошкентни эгаллагач, дунё аҳлидан ўз қилмишларини бекитиш мақсадида бир қатор найранглар ишлатди. Шу мақсадда улар қандай тадбирларни амалга оширдилар ва улардан кўзланган мақсад нима эди?

2. Рус ҳукумати билан Бухоро амирлиги ўртасида 1868 йилда тузилган тузилган сулҳда қандай талаблар қўйилган эди?

3. Бухоро амирлигининг руслардан мағлуб бўлишига қандай омиллар муҳим роль ўйнаган?

4. Гандимиёнда тузилган сулҳда Россия Хива хонлигига қандай талаблар қўйиган эди?

5. Подшо ҳукумати Туркистонни эгаллагач нима учун ўлкага русларни кўчириб келтиришга асосий эътиборни қаратди?

6. Рус ҳукуматининг аграр сиёсатининг моҳияти нимадан иборат эди?

7. Россия ҳукумати мустамлакачиликнинг маънавий-маърифий соҳасида қандай сиёсат олиб борди?

8. Россия мустамлакачилиги ўлкада қандай оқибатларга олиб келди?

**“Баҳс-мунозара” учун муаммоли саволлар**

“Пўлатхон қўзғолони” номи билан аталган қўзғолон нима сабабдан бошланган эди?

Нима сабабдан рус ҳукумати “Олой маликаси” (Қурбонжон додхоҳ) ҳаракатларини бостири олмай, у билан келишиш йўлини тутди?

Нима учун 1892 йилда Тошкентда бўлиб ўтган қўзғолон “Вабо қўзғолони” номи билан тарихга кирди?

Дукчи Эшон ким эди? Нима сабабдан у қўзғолонга бошчилик қилди?

1916 йилда Туркистон ўлкасида бошланган қўзғолонларнинг бош сабаби нима эди?

1916 йилги қўзғолонларда нима учун аёллар асосий қўзғолон иштирокчиларига айланди?

Туркистонда жадидчилик ҳаракатининг пайдо бўлишига қандай омиллар сабаб бўлди?

Нима сабабдан жадидлар ишни янги мактаблар ташкил этишдан бошладилар?

Туркистон жадидларининг маърифат учун кураш дастурида нималарга эътибор қаратилган эди?

Туркистон жадидлари фаолияти натижасида ўлкада сиёсий ўзгаришлар содир бўлдими?

**“Талабалар баҳолайди” йўналишидаги кичик тест саволлари**

Рус мустамкачилигига қарши қўзғолонлар ўлканинг қайси худудида кўпроқ содир бўлди?

А) Зарафшон воҳасида

Б) Фарғона водийсида

В) Жанубий вилоятларда

Тошкентдаги Вабо қўзғолони (1892 й) тарихга қандай ном билан кирган?

А) Тошкент воқеаси

Б) Касаллар воқеаси

В) Тошотар воқеаси

Қуйидаги қайси асарда Намоз Примқулов бошчилигидаги ҳаракат акс эттирилган.

А) "Қасоскорнинг олтин боши"

Б) "Падаркуш"

В) "Меҳробдан чаён"

Дукчи Эшон қўзғолони дастлаб қаерда бошланди?

А) Ўш

Б) Жалолобод

В) Андижон

Бу қўзғолоннинг бош мақсади нима эди?

А) Мустамлакачилик зулмидан қутилиш

Б) Мустамлакачиларнинг "Ислом"ни таҳқирлашларига йўл қўймаслик

В) Фарғона водийсини озод этиб, хонликни тиклаш

Ўлкада 1916 йилги қўзғолонларнинг бошланишига подшонинг қандай сиёсати сабаб бўлди?

А) Руслаштириш сиёсати

Б) Мардикорликка олиш сиёсати

В) Мусулмон аёлларни таҳқирлаш сиёсати

1916 йилги қўзғолонларнинг энг даҳшатлиси ўлканинг қайси жойида бўлиб ўтди?

А) Жиззахда

Б) Тошкентда

В) Самарқандда

8. Туркистон жадидларининг етакчиси ким эди?

А) Мунаввар қори

Б) Ҳамза

В) Маҳмудхўжа Беҳбудий

9. Туркистон жадидлари ўз фаолиятларини қайси йўналишдан бошладилар?

А) Маданиятчиликдан

Б) Маърифатчиликдан

В) Ўлка иқтисодиётини кўтаришдан

10. Ўлка жадидлари 1917 йилнинг бошларидан ўлка сиёсий ҳаётини ўзгартириш учун ўз кураш фаолиятларини ўзгартирдилар. Улар энда нима учун кураш бошладилар?

А) Мухторият учун

Б) Ўлкани тўлиқ ажратиб олиш учун

В) Янги ҳукуматни қўллаб-кувватлаш учун

**“Мўъжизалар майдони” ўйини шаклидаги катакли**

**назорат саволлари**

Рус мустамлакачилари маҳаллий халқлар миллий манфаатларини доимо камситиб келганлар. Диний эътиқодларини топтаганлар. Туркистон аҳолиси ва уларнинг Исломга бўлган эътиқодларини чеклашга қаратилган ҳужжатлар ҳам эълон қилинган. Подшонинг бир фармони билан Туркистон аҳолиси учун ислом қоидалари бўйича бир нарса қилиш ман этилган. Фармон бўйича ман этилган исломий удумнинг номи катакчаларда яширинган. Уни топинг?

| | | |
|---|---|---|
| | | |

Қўқон хони Худоёрхон хонликдаги халқ норозилигидан қўрқиб, Хўжандга келади ва у ерда 10 кун яшайди. 1875 йил августида уни Туркистон гинерал губернатори Тошкентга чақиради. Қўқонда Худоёр ўрнида отаси даврида Андижон беклигини бошқарган Насриддинбек хон қилиб кўтарилган эди.

Худоёрхон 70 кишилик аҳли аёли, 500 га яқин ҳамроҳлари, 40 арава хазина билан Тошкентга Фон Кауфман ҳузурига паноҳ истаб келади.

Кауфман 40 арава бойликни мусодара қилиб, Худоёрхоннинг ўзини мулойим такаллуф билан бир жойга бориб яшашга мажбур қилади. Бу таклиф сургун билан баробар эди. Хўш, Худоёрхон қаерга сургун қилинган эди? Жойнинг номи катакчаларда яширинган.

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

Рус мустамлакачилари Туркистоннинг маҳаллий ерли халқларини камситиб, қандай ном билан атаганлар? Бу номни топинг.

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

Туркистон генерал губернатори 1907 йилда Номоз (Примкулов) Ботирни тутиш операциясини Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторига топширади. Бу операцияни бажариш ишига яна бир давлатнинг ҳукмдори ҳам масъул қилиб тайинланади. Бу давлат ва унинг ҳукмдорининг номлари катакчаларда яширинган. Уларни топинг?

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|

Давлатнинг номи

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

Ҳукмдорнинг номи

Асли ўзи туман ҳокими бўлган, 1868 йилгача рус мустамлакачиларига қарши озодлик жанги олиб борган, хиёнат туфайли асир олингандан сўнг генерал майор унвони билан рус армиясида хизмат ўташга мажбур бўлган собиқ бек ким? Унинг бек бўлган тумани ва ўзининг номлари катакчаларда яширинган.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|

Туман номи

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|

Бекнинг номи

Туркистон генерал губернатори ҳам тан берган ва у билан ҳисоблашишган, Бухоро амири ва Қўқон хони унга саркарда унвонини берган. Руслар Туркистонни босиб олганда ҳам Олой ҳавзаси худудлари мустақиллигини сақлаб идора этган, “Олой маликаси” номи билан тарихга кирган саркарда малика ким?

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|

**“Мўъжизалар майдони” ўйини шаклидаги саволлар ва жавоб катакчаларидан наъмуналар**

1892 йилнинг ёзида Тошкентда “Вабо исёни” деб номланган қўзғолон  бўлиб ўтган. Бу қўзғолоннинг бошланиш сабаби билан боғлиқ бўлган номдир. Аммо тарихда бу қўзғолон ўз воқеалари жараёни билан боғлиқ ном билан ҳам аталади. Қўзғолоннинг воқеалар жараёни билан тарихда қолган номини топинг.

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|

Рус босқинчиларининг ҳужумига қарши ўлкамизда хар бир шаҳар ва қалъалар мардонавор ҳимоя қилинган. Бу ҳимояларда халқ, қўшин қаҳрамонларча жанг қилган бўлса, лашкарбошиларимиз уларга қўмондонлик қилганлар. 1852 йилда мустамлакачилар босқинининг бошланишида Қўқон хонлигининг стратегик қалъаси “Оқ мачит” ҳам каттиқ ҳимоя қилинган. Бу қалъа ҳимоясига бошчилик қилган лашкарбоши ким эди?

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|

Бир Туркман мўлласи жон бераётиб генералга: 8000 минг бегунох одамни ўлдирганинг учун виждон азобида қийналмайсанми? – деган саволига бу генерал: “йўқ, 80000 бўлмаганига ачинаман, тўкилган хар томчи рус қони учун душман қонини дарёдек оқизаман”, - деб жавоб берган эди. Бу генерал ким?

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

Туркистон генерал губернатори 1907 йилда Номоз Ботирни (Пиримқулов)ни тутиш учун операция ташкил этиб, унга Самарқанд вилояти ҳарбий губернаторини бошлиқ қилиб тайинлаган. Бу операцияни бажариш ишига яна бир давлатнинг ҳукмдорини ҳам масъул қилиб тайинлайди. Бу давлат ва унинг хукмдорининг номлари катакчаларда яширинган. Уларни топинг?

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|

Давлатниг номи

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

Ҳукмдорнинг номи

1905-1907 йиллардаги рус инқилоби Туркистонга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу ерда большевиклар ташкил этган тўқнашувлар давомида Морозов раҳбарлигида “Тошкент инқилобий қўмитаси” тузилиб, унинг ўлкадаги мавқеи жуда катта бўлган. Хатто, Туркистон генерал губернатори вазифасини бажарувчи Сахаров ҳам Петроградга телеграмма юбориш учун қўмитадан рухсат сўрашга мажбур бўлган. Ўша даврда одамлар мана шу, жуда таъсирли ташкилотни қандай ном билан атаганлар.

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

**“Мўъжизалар майлони” ўйини шаклидаги катакчалар**

**жавобини топиш тартиби**

Бу услубда дарсни ташкил этилиши гуруҳдаги барча талабаларни фаоллаштиради. Ҳатто фаол бўлмаган талабалар фаоллашади. Улар ўз жавоб вариантлари билан бал олиб қолишга ҳаракат қиладилар.

Имкон қадар ҳамма ўз жавоб вариантларини айтишга ҳаракат қиладилар.

Айтилган жавоб вариантлари тўғри келмаса, ўқитувчи бироз талабаларга ён босиб, катакчалардаги айрим ҳарфларни очади.

Масалан, наъмунада берилган 1905-1907 йилларда Туркистонда (Тошкентда) тузилган таъсирли ташкилотнинг одамлар қандай ном билан атаганлар? Саволининг жавобини топиш тартибини олайлик. Талабалр ўз вариантларини айтдилар, аммо жавоб тўғри эмас. Энди ўқитувчи икки жавоб катакчаларининг биринчи ва охирги ҳарфларини очади.

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| М | | | | | | | Т |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳ | | | | | | Т |

Яна талабалар ҳарфларга қараб, жавоб вариантларини айта бошлайдилар. Аммо, тўғри жавобни топа олмайдилар. Ўқитувчи яна биттадан ҳарф, яъни охиргдан иккинчи ҳарфни очади.

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| М | | | | | | А | Т |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| Ҳ | | | | | А | Т |

Энди тўғри жавоб вариантини топиш яна осонлашди. Бир неча яқин вариантлар айтилиб, охири тўғри жавоб: **Муваққат ҳукумат** жавоби топилади.

Ҳар бир семинар дарсида 15 тагача ана шундай савол-жавоблар жараёнини ўтказиш мумкин.

Бу услубда ўқитувчи жавоб вариантлари билан фаол қатнашаётган талабаларга муҳим эътибор қаратиши лозим. Тўғри жавоб вариантини топганлар албатта баҳоланади. Тўғри жавобни тополмаган бўлса ҳам, ўз вариантлари билан фаол иштирок этаётганларни ҳам тегишли баллар билан рағбатлантириш лозим.

Ўқитувчи савол ва жавобнинг мазмуни ва унинг моҳиятига қараб, тўғри жавоб учун бал белгилаши мумкин.

Масалан, бир катакли савол жавоби учун 1 бал, икки катакли савол жавоби учун 2 бал ва ҳоказо. Айрим ҳолларда бирор талаба икки катакли жавобнинг ярмини, яъни битта катаги жавобини тўғри топиб, 2-катак жавобини нотўғри айтиши мумкин. Буни ҳам инобатга олиш зарур.

**Мустақил иш учун вазифалар:**

**Талабаларга мустақил ишлаш учун вазифа**

1. “Россия босқини оқибатлари” мавзусида тарихий иншо ёзиш.
2. “Чор Россиясининг Ўрта Осиёни эгаллаш йўналишлари” харитасини тузиш.

«Туркистон халқларининг чоризм зулмига қарши миллий-озодлик ҳаракатлари мавзуси юзасидан «Мўъжизалар майдони» ўйини шаклида саволлар (катакчаларда жавоблари билан) тузиб келиш.

Кейинги дарсда бўладиган «Дарс-анжуман»да қатнашиш учун маърузалар, саволлар, тақдимотлар тайёрлаб келиш.

Кейинги дарсда ўтказиладиган «кичик тестлар» синовига тайёрланиб келиш.

**“Кичик тест” назорати саволлари**

Туркистон халқларининг подшо Россияси мустамлакачилик даврида кўтарган қўзғолонлари қандай характерда эди?

А) Мустамлакачиларни чўчитиб қўйиш.

Б) Озодлик учун кураш

В) Маҳаллий беклар зулмига қарши кураш

Пўлатхон номи билан аталган қўзғолонга ким бошчилик қилган ?

А) Пўлатбек

Б) Насритдин

В) Мулла Исҳоқ

Эшмуҳаммад Эшон бошчилигидаги қўзғолон ўлкамизнинг қайси вилоятида бўлиб ўтган?

А) Сирдарё вилоятида

Б) Самарқанд вилоятида

В) Тошкент вилоятида

Зарафшон округидаги халқ ғалаёнларига бошчилик қилган Намоз Ботир халқнинг қайси қатламига мансуб эди?

А) Ишчилар

Б) Деҳқонлар

В) Ҳунармандлар

Чирчиқ қўзғолонлари қачон бўлган эди?

А) 1871 йилда

Б) 1872 йилда

В) 1873 йилда

Олой ҳавзасидаги озодлик харакатига ким бошчилик қилган?

А) Алимбек

Б) Пўлатбек

В) Қурбонжон

Ёқуббек қўзғолон и қаерда бўлган?

А) Ғўлжада

Б) Ошда

В) Бишкекда

1899-1890 йилларда Фарғона водийсидаги қўзғолонга ким бошчилик қилган?

А) Етимхон

Б) Дарвешхон

В) Пўлатхон

1892 йилда Тошкентда бўлиб ўтган "Вабо қўзғолонида" қўзғолон- чилар кўпроқ нима билан қуролланган эдилар?

А) Бел, кетмон

Б) Пичоқ

В) Тош

1916 йилги қўзғолонларда кўпроқ бош кўтарганлар кимлар эди ?

А) Чоллар

Б) Аёллар

В) Ёшлар

## 10-Мавзу: Туркистонда мустабид совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуролли ҳаракат

## Россияда 1917-йил феврал инқилоби

1917-йил феврал инқилоби, яъни буржуа-демократик инқилоб натижасида кўп асрлик Романовлар сулоласи ағдарилди ва монархия тузумига барҳам берилди. Бунинг натижасида Россия бошқарувида икки ҳокимиятчилик вужудга келди:

- буржуазия вакилларидан иборат Муваққат ҳукумат
- ишчи, аскар, деҳқон депутатлари советлари

## Феврал инқилобининг Туркистонга таъсири

- Туркистон Генерал-губернаторлигининг тугатилиши
- Россия Муваққат ҳукуматининг Туркистон Қўмитаси ташкил етилиши
- Вилоятларда ҳарбий губернаторлик тизими барҳам топиб, вилоят комиссарларининг вужудга келиши
- Туркистонда ишчи, аскар депутатлари совети ташкил топиши.
- Демократик ғояларга йўл очилиши: “Шўрои Ислом” ташкилотининг тузилиши (1917-йил 14-март)

# Октябр тўнтаришининг Туркистонга таъсири

- Муваққат ҳукуматнинг Туркистон Қўмитаси ағдарилди ва Тошкентда Совет ҳокимияти ўрнатилди (1917-йил 1-ноябр).
- 1917-йил 15-22-ноябр кунлари Тошкентда Туркистон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари советларининг III Ўлка қурултойида Туркистон Халқ Комиссарлари Советининг тузилиши.

## Туркистон мухторияти

**1917-йил ноябрь – 1918-йил февраль**

- Муваққат Кенгаш
  - Таркиби 12 кишидан иборат: Улардан 8 таси маҳаллий аҳолидан, қолган 4 таси европалик аҳоли орасидан
- Миллий Мажлис (парламент)
  - Муваққат Кенгаш аъзоларидан ташқари Атоқли арбоблар, Миллатпарвар зотлар, Юрт пешволари ҳам сайланган

# Туркистон Мухторияти Мувaққат Кенгашининг таркиби

1. М. Танишпаев – Бош вазир, ички ишлар вазири
2. Ислом Шоаҳмедов – Бош вазир ўринбосари
3. Мустафо Чўқоев – ташқи ишлар вазири (кейинчалик Бош вазир)
4. Убайдулла Хўжаев – ҳарбий вазир
5. Юрали Агаев – ер ва сув бойликлари вазири
6. Обиджон Маҳмудов – озиқ-овқат вазири
7. Абдураҳмон Ўразаев – ички ишлар вазири ўринбосари
8. Соломон Герсфелд – молия вазири

## Фарғона водийсида фаолият кўрсатган истиқлолчилар

1918—йил баҳоридан водийнинг турли жойларида 40 дан зиёд кўрбоши дасталари фаолият кўрсата бошлади. Жумладан:

- Мадаминбек   Скобелев (Фарғона) уездида
- Шермуҳаммадбек Марғилон атрофларида
- Омон Полвон, Раҳмонкул Наманган уездида
- Парпи кўрбоши Андижон атрофида
- Кичик ва Катта Эргашлар Қўқон атрофида

## Бухорода совет ҳокимиятига қарши куролли ҳаракат намояндалари

**Иброҳимбек -**

- Бухоро, Қашқадарё Тожикистон ҳудудларида фаолият юритган

**Анвар пошшо -**

- Бухоро, Қашқадарё Тожикистон ҳудудларида фаолият юритган

**Хуррамбек -**

- Сурхон воҳасида фаолият юритган

# Хоразмда Шўролар тузумига қарши курашган намояндалар

| Жунаидхон (Қурбон Мамед) | Матчон тўра | Дурди қилич |
|---|---|---|
| • Амалда охирги Хива ҳукмдори Жунаидхон шўроларга қарши бутун Хоразм воҳасида 1920-1925 йилларда кураш олиб борди | • Жунаидхоннинг яқин амалдорларидан бўлган, кейинчалик йирик даста бошлиғи. | • Жунаидхоннинг яқин амалдорларидан бўлган, кейинчалик йирик даста бошлиғи. |

# Хоразмда шўролар ҳокимияти эълон қилиниши

- 1920— йилнинг 27-30-апрел кунлари Хивада бўлиб ўтган халқ вакиллари **Бутунхоразин қурултойи** хонлик тугатилганлиги ва **Хоразм Халқ Совет Республикаси** тузилганлигини эълон қилди. Қурултой ХХСРнинг мувaққат Конститутциясини қабул қилди. Қурултой шунингдек, 15 кишидан иборат ҳукумат - **Халқ Нозирлар Кенгашини** сайлади. Ёш хиваликлар раҳбарларидан Полвонниёз Юсупов унинг биринчи раиси бўлди.

## Бухорода шўролар ҳокимиятининг ўрнатилиши

- Амир Олимхон 1920— йил 2-сентябрда Бухорони тарк этишга мажбур бўлди. Пойтахт шўролар қўшинлари томонидан эгаллангач, ҳокимият Муваққат Бутунбухоро Инқилобий қўмитаси қўлига ўтди. 1920— йил 14-сентабрда А.Муҳитдинов бошчилигида қонун чиқарувчи олий орган — Бутунбухоро инқилобий қўмитаси ва Файзулла Хўжаев раислигида Халқ Нозирлар Кенгаши (ҳукумат) тузилди. Ўша йилнинг 6-8-октабр кунларида I Бутунбухоро қурултойи бўлиб ўтди. Унда **Бухоро Халқ Совет Республикаси** ташкил этилганлиги эълон қилинди.

**МАНТИҚИЙ СТРУКТУРАВИЙ ЧИЗМА**

**Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши**

**«Пирамида»**




**Б.б.х.б.о. техникасидан фойдаланиш қоидаси**

Инсерт техникаси ёрдамида матнни ўқиб чиқинг.

Олинган маълумотларни шахсий равишда мужассамлаштиринг-“матнда белгиланган изоҳларга асосланган” устунларни тўлдиринг.

Б.б.х.б.о.(биламан,билишни ҳоҳлайман, билиб олдим) жадвали.

| № | Мавзу саволлари | Биламан | Билишни ҳоҳлайман | билиб олдим |
|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 |
| 2 | | | | |

**Мавзунинг таянч тушунчалари**

1. Россияда 1917 й феврал инқилоби

2. Туркистондаги ишчи ва аскар депутатлари советлари.

Туркистон жадидларининг сиёсий фаолиятлари.

«Шурои исломия», «Шурои уламо» ташкилотлари

Петрограддаги октябр тўнтарилиши.

Туркистон мухторияти.

Туркистон АССР нинг тузилиши.

Қаршилиқ ҳаракатининг моҳияти.

Ёш хиваликлар.

Ёш бухороликлар.

БНСР.

ХНСР.

**Амалий машғулот саволлари**.

Туркистонда совет ҳокимиятининг ўрнатилиши.

Туркистон мухторияти ва унинг фожеали тақдири.

Фарғона водийси-қуролли ҳаракат марказларидан бирига айланиши. Ҳаракатнинг моҳияти, кучлари ва якуни.

Бухоро ва Хоразм Халқ Совет Республикаларини ташкил топиши.

**10- мавзу. Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат**

**Баҳс-мунозара иштирокчисига**

**ЭСЛАТМА**

Мунозара муаамони ҳал этиш ёки уни тушуниш учун ўтказилади. Ўзаро муносабатларни ҳал этиш таъқиқланади.

Бошқалар ҳам гапириши учун узоқ сўзлама.

Фикрларни ўйлаб, ҳис-ҳаяжонга берилмай, мақсадга эришиш учун баён этади.

Оппонент ёндошувини тушуниш ва уни инобатга олишга ҳаракат қилиш.

Оппонентлар билдирган фикрларни ўзгартирмасдан, бузмасдан маданиятли тарзда инкорий фикрларни баён этиш.

Мавзу бўйича сўзла.

Бирон-бир иштирокчига ён босиш ёки қарши чиқиш учун сунъий фикр билдирма.

**Баҳс-мунозара семинарининг роллар**

**ЙЎРИҚНОМАСИ**

**Бошловчи**- муҳокамани бошқаради, тушунча ва атамаларни тўғри қўлланилиши ва асосий фикрлар билдирилишини кузатади.

**Оппонент (рецензент)**- Эшитилган доклад юзасидан тахлилий фикр-мунозара билдиради, унга баҳо беради. Доклад камчиликлари ва хатоларини аниқлайди ва асосли равишда тузатишлар киритади.

**Мантиқчи (логик)** – докладси ва оппонент ёки рецентзент чиқишларини мантиқий хатоларини аниқлайди ва тузатишлар киритади.

**Психолог** – гуруҳда маҳсулли мулоқот ўтишини таъминлайди, баҳс-мунозарани тўқнашувга айланиб кетишига йўл қўймайди.

**Эксперт** - бутун баҳс-мунозарага баҳо беради, ишлаб чиқилган фикр, хулосаларни ва иштирокчиларни фаоллигини белгилаб беради.

**11-Мавзу: Совет ҳокимиятининг Ўзбекистонда амалга оширган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тадбирлари ва уларнинг мустамлакачилик моҳияти.**

**«Бумеранг» усули учун тарқатма материал**

ЎзССР ташкил топиши.

«Янги иқтисодий сиёсат» моҳияти

Совет ҳокимиятининг «қулоқлаштириш» сиёсати.

«Саводсизликни тугатиш» учун кураш.

**Ўқув топшириқлари**

Эксперт варақ №1

1 топшириқ. *Сиз қуйидаги масала юзасидан эксперт ҳисобланасиз:* "Россиядаги 1917 йил инқилоблари ва уларнинг Туркистон ўлкасига таъсири"

*Сизнинг вазифангиз ушбу масала бўйича тайёргарлик кўриш ва бошқаларга тушунтириб бериш.*

Масалани ёритишда график органайзердан фойдаланинг.

Масалан: "Туркистон ўлкасида миллий озодлик ҳаракатининг фаоллашуви"

| Сана | Воқеа | Аҳамияти |
|---|---|---|
| | | |

2 топшириқ. *Қуйидаги саволга жавоб беринг:* «Туркистондаги 1917 йил миллий-демократик ҳаракатининг мағлубиятига нималар сабаб бўлди?»

3 топшириқ. *Мавзу бўйича 3-5 гапдан иборат қисқа хулоса қилинг* .

4топшириқ . *тестни ишланг:*

Туркистонда совет ҳокимиятининг дастлабки ойларида саноатда ўзгаришларни амалга ошириш учун қандай усулдан фойдаланилди?

А) хусусийлаштириш

Б) мусодара қилиш

В) миллийлаштириш

Г) монополизациялаштириш

**Эксперт варақ № 2**

1 топшириқ. *Сиз қуйидаги масала юзасидан эксперт ҳисобланасиз: :* «Шўролар ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат: сабаблари, характери, босқичлари, ҳаракатлантирувчи кучлари ва натижалари».*Сизнинг вазифангиз ана шу масала юзасидан тайёргарлик кўриб, бошқаларга тушунтириб бериш.*Масалани ёритишда график органайзердан фойдаланинг: Масалан: “Истиқлолчилар ҳаракати” мавзусидаги структуравий-мантиқий чизма. 2 топшириқ. *Қуйидаги саволга жавоб беринг:* «Нима учун туркистонликларнинг озодлик учун курашлари қуролли ҳаракатга айланиб кетди?»

3 топшириқ. *Мавзу бўйича 3-5 гапдан иборат қисқа хулоса тузинг.*4 топшириқ. *Тестни ишланг:*

Шўролар томонидан жорий қилинган “озиқ-овқат диктатураси” моҳияти нимада эди?

А) очларга ёрдам бериш

Б) нон монополиясини жорий қилиш

В) нон олиб-сотарларига қарши кураш

Г) карточка тизимининг жорий этилиши

**Эксперт варақ № 3**

1 топшириқ. *Сиз қуйидаги масала:* «Хива хонлиги ва Бухоро амирлигининг тугатилиши. “Ёш хиваликлар” ва “ёш бухороликлар” ҳаракатлари: мақсади, характери ва аҳамияти.

*Сизга ушбу масала бўйича тайёргарлик кўриб, бошқаларга тушунтириш вазифаси юклатилади.*

Масалани ёритишда график органайзердан фойдаланинг:

Масалан: “Ёш хиваликлар” ва “ёш бухороликлар” ҳаракатлари: мақсади, характери ва аҳамияти” мавзусидаги концептуал жадвал тўлдириш.

2 топшириқ. *Саволга жавоб беринг:* «Хива хонлиги ва Бухоро амирлигидаги оппозиция кучларининг мағлубиятига нималар сабаб бўлди?»

3 топшириқ. *Мавзу бўйича 3-5 гапдан иборат қисқа хулоса тузинг*

4топшириқ. *Тестни ишланг:*

Қуйидагилардан қайси бири “ҳарбий коммунизм” сиёсатига кирмас эди?

А) озиқ-овқат развёрсткаси

Б) хусуий савдонинг тақиқланиши

В) майда ва ўрта саноатнинг

Г карточка тизимининг жорий этилиши

Д)  пул муомаласининг бекор этилиши

**Индивидуал  топшириқ**

*“Ҳарбий коммунизм” сиёсати” жадвалининг ўнг тарафини тўлдиринг*

| *Савол* | *Жавоб* |
|---|---|
| Бутун саноатнинг давлат қўлида тўпланиши | |
| Деҳқонлардан озиқ-овқатнинг ортиқчасини тортиб олиниши | |
| Озиқ-овқатни ўлчаб тақсимланиши | |
| Озиқ-овқат, кенг истеъмол моллари билан текин таъминлаш | |
| Кенг истеъмол молларининг ишлаб чиқаришнинг сони ва сифатини ҳисобга олмай тарқатилиши | |
| Пул муомаласининг бекор қилиниши | |
| Меҳнат мажбуриятининг жорий этилиши | |
| Хусусий савдонинг бекор қилиниши | |

**“Ҳарбий коммунизм” сиёсати**

*(ўқитувчи варианти)*

| *Савол* | *Жавоб* |
|---|---|
| Бутун саноатнинг давлат қўлида тўпланиши | **национализациялаштириш** |
| Деҳқонлардан озиқ-овқатнинг ортиқчасини тортиб олиниши | **Ози-овқат разверсткаси** |
| Озиқ-овқатни ўлчаб тақсимланиши | **Карточка тизими** |
| Озиқ-овқат, кенг истеъмол моллари билан текин таъминлаш | **Иш ҳақини натура билан тўлаш** |

| | |
|---|---|
| Кенг истеъмол молларининг ишлаб чиқаришнинг сони ва сифатини ҳисобга олмай тарқатилиши | **Ҳаммага баробар тақсимлаш** |
| Пул муомаласининг бекор қилиниши | **натурал айирбошлаш** |
| Меҳнат мажбуриятининг жорий этилиши | **Меҳнат милитаризацияси** |
| Хусусий савдонинг бекор қилиниши | **Савдо соҳасида давлат монополияси** |

**Мустақил иш учун вазифа:**

**1.** Берилган саволлар асосида амалий машғулотга тайёргарлик кўриб келиш

**Амалий машғулот саволлари.**

«Янги иқтисодий сиёсат» ва унинг моҳияти

ЎзССР ташкил топиши.

Совет ҳокимиятининг 1920 йиллардаги ер-сув ислоҳоти.

Совет мактаби тизимининг шаклланиши.

Ўзбек совет театрининг ташкил топиши.

Тоталитар тузумининг қарор топиши.

## 11 мавзу. Советларнинг Ўзбекистонда амалга оширган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий тадбирлари ва уларнинг оқибатлари

**Баҳс-мунозара иштирокчисига**

**ЭСЛАТМА**

Мунозара муаамони ҳал этиш ёки уни тушуниш учун ўтказилади. Ўзаро муносабатларни ҳал этиш таъқиқланади.

Бошқалар ҳам гапириши учун узоқ сўзлама.

Фикрларни ўйлаб, ҳис-ҳаяжонга берилмай, мақсадга эришиш учун баён этади.

Оппонент ёндошувини тушуниш ва уни инобатга олишга ҳаракат қилиш.

Оппонентлар билдирган фикрларни ўзгартирмасдан, бузмасдан  маданиятли тарзда инкорий фикрларни баён этиш.

Мавзу бўйича сўзла, бирон-бир иштирокчига ён босиш ёки қарши чиқиш учун сунъий фикр билдирма.

**Баҳс-мунозара семинарининг роллар**

**ЙЎРИҚНОМАСИ**

**Бошловчи -** муҳокамани бошқаради, тушунча ва атамаларни тўғри қўлланилиши ва асосий фикрлар билдирилишини кузатади.

**Оппонент (рецензент)** - Эшитилган доклад юзасидан тахлилий фикр-мунозара билдиради, унга баҳо беради. Доклад камчиликлари ва хатоларини аниқлайди ва асосли равишда тузатишлар киритади.

**Мантиқчи (логик)** – докладси ва оппонент ёки рецентзент чиқишларини мантиқий хатоларини аниқлайди ва тузатишлар киритади.

**Психолог** – гуруҳда маҳсулли мулоқот ўтишини таъминлайди, баҳс-мунозарани тўқнашувга айланиб кетишига йўл қўймайди.

**Эксперт** - бутун баҳс-мунозарага баҳо беради, ишлаб чиқилган фикр, хулосаларни ва иштирокчиларни фаоллигини белгилаб беради.

**12-Мавзу. Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистоннинг**

**маънавий-маданий қарамлиги ва унинг оқибатлари. Совет тузумининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари**

**«Баҳс-мунозара» иштирокчисига**

**ЭСЛАТМА**

**Мунозара муаммони ҳал этиш ёки уни тушуниш учун ўтказилади. Ўзаро муносабатларни ҳал этиш таъқиқланади.**
Бошқалар ҳам гапириши учун узоқ сўзлама.

Фикрларни ўйлаб, ҳис-ҳаяжонга берилмай,мақсадга эришиш учун баён этиш.

Оппонент ёндошувини тушуниш ва уни инобатга олишга ҳаракат қилиш.

Оппонентлар билдирган фикрларни ўзгартирмасдан, бузмасдан маданиятли тарзда инкорий фикрларни баён этиш.

Мавзу бўйича сўзлашиш.

Бирон бир иштирокчига ён босиш учун ёки қарши чиқиш учун сунъий фикр билдирма.**Баҳс-мунозара семинарининг роллар йўриқномаси**

Бошловчи-мулоҳазаларни бошқаради, тушунча ва атамаларни тўғри қўлланиши ва асосли фикрлар билдирилишини кузатади

**Оппонент рецензент**-эшитилган доклад юзасидан тахлилий фикр-мулоҳаза билдиради, унга баҳо беради.Докладни камчиликлари ва хатоларини шарҳлаб ва асосли равишда тузатишлар киритади.

**Танқидчи (логин)-** докладчи ва оппонент ёки рецензент чиқишларини қайд қилади, хатоларини тўғрилайди ва тузатишлар киритади.

**Психолог** – гуруҳда махсулли мулоқот ўтишини таъминлайди, баҳс-мунозарани тўқнашувга айланиб кетишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – бутун баҳс-мунозарага баҳо беради, ишлаб чиқилган фикр, хулосаларни ва иштирокчилар фаоллигини белгилаб беради.

**Мустақил иш учун вазифа:**

**1.** Кейинги машғулотда бўладиган «Мустабид совет тузумининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари» мавзусига маъруза матни ва қўшимча адабиётлар асосида тайёрланиб келиш.

**12-мавзу. Совет ҳокимияти даврида Ўзбекистоннинг маънавий-маданий қарамлиги, Совет тузумининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари.**

**Бахолар даражаси ва кўрсаткичлар (балл).**

| Вазифалар, кўрсаткичлар ва бахолар даражалари | 1 гурух | 2 гурух | 3 гурух |
|---|---|---|---|
| 1-вазифа | | | |
| - аниқ мўлжал ва исботлилик | | | |
| - янгилик ва ўзигаа хослик | | | |
| - аниқ ва равшан баён этиш | | | |
| 2-вазифа: | | | |
| - тўлиқ ёритиш | | | |
| - кўргазмалилик | | | |
| 3-вазифа | | | |
| 4-вазифа | | | |
| - хулосаларни аниқ баён этиш | | | |

| | | | |
|---|---|---|---|
| - вақтга риоя қилиш | | | |
| - бошқалар фикрини тўлдириш | | | |
| - бошқаларга саволлар бериш | | | |
| Жами | | | |

6-илова (1.2.)

7-илова (1.2.)

**Мустақил ишлаш учун вазифа**

1. Гурухларда ишлаш қоидаси билан танишиш
2. Гурухда ишлаш учун берилган вазифаларга жавоблар тайёрлаш.
3. Гурух ишининг натижалаарини презентациясини ўтказиш.

**12-мавзу. Советлар даврида маънавий қарамлик. Ўзбекистонда юритган қатоғонлик сиёсати ва унинг оқибатлари**

**«Баҳс-мунозара» иштирокчисига**

**ЭСЛАТМА**

- Мунозара муаммони ҳал этиш ёки уни тушуниш учун ўтказилади. Ўзаро муносабатларни ҳал этиш таъқиқланади
- Бошқалар ҳам гапириши учун узоқ сўзлама.
- Фикрларни ўйлаб, ҳис-ҳаяжонга берилмай,мақсадга эришиш учун баён этиш.
- Оппонент ёндошувини тушуниш ва уни инобатга олишга ҳаракат қилиш.
- Оппонентлар билдирган фикрларни ўзгартирмасдан, бузмасдан маданиятли тарзда инкорий фикрларни баён этиш.
- Мавзу бўйича сўзлашиш.
- Бирон бир иштирокчига ён босиш учун ёки қарши чиқиш учун сунъий фикр билдирма.

**Баҳс-мунозара семинарининг роллар йўриқномаси**

**Бошловчи**-мулоҳазаларни бошқаради, тушунча ва атамаларни тўғри қўлланиши ва асосли фикрлар билдирилишини кузатади

**Оппонент рецензент**-эшитилган доклад юзасидан тахлилий фикр-мулоҳаза билдиради, унга баҳо беради.Докладни камчиликлари ва хатоларини аниқлаб ва асосоли равишда тузатишлар киритади.

**Мантиқчи (логин**)- докладчи ва оппонент ёки рецензент чиқишларини мантиқий хатоларини аниқлайди ва тузатишлар киритади.

**Психолог** – гуруҳда махсулли мулоқот ўтишини таъминлайди, баҳс-мунозарани тўқнашувга айланиб кетишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – бутун баҳс-мунозарага баҳо беради, ишлаб чиқилган фикр, хулосаларни ва иштирокчилар фаоллигини белгилаб беради.

**16-мавзу: Мустабид совет тузумининг Ўзбекистондаги қатағонлик сиёсати ва унинг оқибатлари**

«Инсерт» техникаси жадвали

| | белгилар | | | |
|---|---|---|---|---|
| Маъруза режасига саволлар рақамлари | V | Қ | - | ? |
| 1 | | | | |
| 2 | | | | |
| 3 | | | | |

*Изоҳ (V)- буни билан

(Қ)- янги маълумот

(-)- мен билган нарсага зид

(?)- тушунарсиз Менга қўшимча маълумот зарур.

**Мустақил иш учун вазифалар:**

1. Берилган саволлар асосида семинар дарсига тайёргарлик кўриб келиш

**«БАҲС-МУНОЗАРА» МУАММОЛАРИ:**

1. Совет тузумида маъмурий-буйруқбозликнинг шаклланишига, бу тўзумнинг дастлабки йилларидаёқ бўзила бошлашига сабаб бўлган омиллар нималардан иборат эди?

2. Шахсга сиғиниш оқибатлари нималарга олиб келади?

3. Собиқ ҳукмрон партия ва совет ҳукуматининг қатағонлик сиёсатини юргизишдан мақсад нима эди?

4. Нима сабабдан 20-йиллар охиридаги қатағонлик айнан собиқ жадидларга қаратилди?

5. 30-50-йиллар қатағонлиги айнан туман, вилоят, республика раҳбарларига ҳамда шоир, ёзувчи ва олимларимизга қаратилди. Бунинг сабаби нимада эди?

6. 20-30 ва 50-йиллардаги қатағонлик сиёсатининг оғир оқибатларини изохлаб беринг?

7. Собиқ итттифоқ раҳбариятининг 80-йилларда Ўзбекистонла қатағонликнинг янги кўринишларини амалга оширишдан мақсади нима эди?

8. Совет ҳукумати диндорларга, масжид ва мадрасаларга қандай муносабатда бўлдилар?

9. Миллий етакчиларимиз ва республика раҳбарлари нима сабабдан юртимизда бўлаётган бу мудҳиш жараёнларни тўхтатиб қололмадилар?

10. «Кадрлар десанти», «Пахта иши», «Ўзбек иши», бўйича республикада қандай ишлар амалга оширилди ва улар қандай оқибатларга олиб келди?

11. Яқин кишиларингиз, қариндошларингиз орасида қатағонлик сиёсатидан заҳмат чекканлар борми? Улар ҳақида сўзлаб беринг.

12. Бу мудҳиш тарихимиздан қандай сабоқ чиқара оласиз?

**2.2. «Мўжизалар майдони» ўйини шаклида мавзу муммоларини муҳокама этиш услуби.**

Бу услубда ўқитувчи мавзу муаммолари бўйича саволлар ва жавоб катакчалари тўзиб (ўқитувчи жавоб катакчаларини доскада чизиб, саволни ўқиб бериши ҳам мумкин), слайд тайёрлаб, уларни компьютер дастурига киритади ва экран орқали талабалар ҳукмига хавола этади.

**ЭСЛАТМА:** Ўқитувчи саволларни тўзганда уларда мавзу мазмунини, муаммоларини сингдиришга асосий эътиборини қаратмоғи лозим.

**САВОЛЛАР ВА КАТАКЧАЛАРИДАН НАЪМУНАЛАР:**

1. Ўтган аср 20-йиллар охирида собиқ итттифоқ, жумладан республикада янги жамиятга хос хусусиятлар ошкора намоён бўла бошлади. Кўпрок оммани ғоявий жиҳатдан бўйсундиришга хизмат қиладиган йўллардан фойдаланиш бошланди.

Иқтисодиёт, сиёсат ва маданият партия ва давлат номенклатураси исканжасига тушиб қолди. Ҳукмрон партиянинг тор доирада қабул қилган қарорлари бутун мамлакат учун мажбурий эди. Қисман эълон қилинган

демократик жараёнлар, ижодий баҳс, мунозаралар, келишув йўлларини қидиришлар амалда тўхтатилган эди. Ҳукмрон партия органларисиз биронта қарор ҳам қабул қилиш мумкин бўлмай қолган эди. Айнан мана шундай ҳолатлар собиқ итттифоқ бошқарувида бир тизимнинг пайдо бўлганлигини англатар эди. Катакчаларда яширинган бу бошқарув тизимининг номини топинг?

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

2. Айнан шу йиллардан бошлаб мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти партия тазйиқи остида амалга оширила бошланди. Оммага партия таъсирини кучайтириш мақсадида корхоналарда партия ташқилотлари ва цех ячейкалари, бригадаларда партия гуруҳлари, колхозларда бошланғич партия ташқилотлари тўзилди. Инсонларнинг бутун ҳаёти, уларнинг ўй-фикрлари аста-секин ҳамма нарсани унитишга мажбур қиладиган янги жамият қуриш ғоясини амалга оширишга қаратилди. Айнан шу пайтда, аниқроги 1929 йилда ҳукмрон партия ўз сафларида бир жараённи ўтказдики, бу жараён туфайли минглаб содиқ коммунистлар айбсиз бўлсалар ҳам жазога тортилдилар. Катакчаларда 1929 йилда партия сафларида ўтказилган жараён яширинган. Бу қандай жараён эди?

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|

3. 20-йиллар охирида қишлоқ хўжалигани зудлик билан коллективлаштиришга киришилди. Саноат ва савдода давлат сектори тобора қаттиқ монополиет, яъни якка хоким бўлиб борди. Ўзбекистонда ҳам саноатда умумийлаштириш жараёни бошланди. Майда саноатдаги хусусий секторнинг улуши тўхтовсиз қисқараверди ва 20-йилларнинг охирига келиб деярлик барҳам топди.

Бошқарувнинг маъмурий буйруқбозлик тизимини таъминлашда иктисодиётни ривожлантиришнинг режалар асосидаги усуллари муҳим ролни ўйнай бошлади. Улар иқтисодиётга раҳбарлик қилишни давлат томонидан ишлаб чиқиладиган халқ хўжалиги режалари асосида мумкин қадар кўпрок марказлаштиришни мустахкамлаб берди. Бу ҳолатлар, айникса мамлакатда беш йилликлар режаларига ўтилиши совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида жорий этилган бир сиёсатнинг барҳам топишига олиб келди. У қандай сиёсат эди?

| | | | |
|---|---|---|---|

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

4. 30-йилларда мамлакатда амалга оширилаётган барча ишлар, ютуклар, муваффақиятлар бир кишининг номи билан боғланиб қолди. Бу номни янада улуғлашда «сохта шиорлар», «сохта ташаббускорликлар», «сохта қаҳраонликлар» ҳам муҳим рол ўйнади. Буюк орзу-ниятлар билан «янги жамият» қурмокчи бўлган оддий халқ эса мамлакатда бўлаётган сиёсий жараёнлар моҳиятини англаб ета олмас эди. Чунки юкорида айтилган бир киши ясаган сиёсий аппарат, унинг ғоявий йўналиши, барча қилинаётган ишлар оддий халқ учун, меҳнаткашлар манфаати учун қилинаётгандек тасаввур ҳосил қилар эди. Ҳатто одамлар у кишисиз ўз ҳаётларини тасаввур қилолмаслик даражасига ҳам тушиб қолган эдилар.

Ана шу тариқа бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик услуби, якка ҳукмронлик жамиятда ўзбошимчалик ва ғайриконунийликни кенг микёда бошлаб берган бир касалликни пайдо қилган эди. Бу касаллик номи катакчаларда яширинган?

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|

5. 20-30-йилларда республикамиз ҳаёти марказнинг қаттиқ назорати остида ўтар эди. Партиянинг йўл-йўриқларидан бироз бўлсада четга чиқиш сиёсий, аксилинқилобий ҳаракат деб баҳоланар эди. Мамлакатда бошланган қатағонлик сиёсатининг бош мақсади зўраки ўрнатилган тўзумга қарши бўлганлардан ўч олиш, Сталин сиёсатидан норози бўлганлар ва ундан ақл-билим жиҳатдан устун турганларни йўқ қилиш ҳамда янгича кўринишда давом этаётган мустамлакачилик сиёсатини мустаҳкамлашдан иборат эди.

Дастлаб жойларда миллий маданиятни қайта тиклаш, халқ турмушини яхшилаш муаммоларига эътибор қаратишга уринган

ижодий зиёлилар билан партия ва давлат ташкилотларида ишлаётган ходимларнинг бир тоифаси қатағонлик гирдобига учради. Бу тоифа ходимлар кимлар эди?

| | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|

6. Ижтимоий-иктисодий ривожланишнинг муқобил йўлларини амалга оширишга уринган кишиларга гуруҳбозликка қарши кураш шиори остида айблар қўйилди. Кейинчалик «иноғомовчилик», «18 лар гуруҳи», «қосимовчилар» деб ном олган ишлар ўша пайтларда тўқилган эди.

1929 йил охирларида Мунаввар Қори бошчилигидаги бир ташкилотнинг аъзолари қамоққа олинди. Қамалган 85 нафар аъзолардан 15 таси отилди, қолганлри эса тўзатиш-меҳнат лагерларига жўнатилди.

Хўш, Мунаввар Қори бошчилигидаги бу ташкилот қандай номланар эди?

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

7. 1930 йилнинг февралидан бошлаб Ўзбекистон қишлоқ хўжалигидаги бир хўжаликни тугатиш компанияси бошланди. Бу компания, худди бошқа республикаларидаги, қонунлар ва инсон ҳуқуқларини қўпол равишда тузиш ҳоллари билан биргаликда давом этиб борди. Биргина Мирзачўл тумани (Тошкент округи) нинг ўзида 75 та ана шундай хўжалик тугатилди. 1930-1933 йилларда республикамизда тугатилган хўжаликлар сони 5,5 мингтага етди. Уларнинг кўпчилиги асосан Украина ва Сибирга кўчириб юборилди. Бу жазоланган ва кўчирилганларга қўйилган айбнинг номи уларнинг хўжалигига ҳам таълуқли эди. Катакчаларда тугатилган хўжаликлар ва уларга қўйилган айбнинг номи яширинган.

| | | | | |
|---|---|---|---|---|

8. 1934 йилдан 1938 йилгача Ўзбекистонда 40 мингдан зиёд киши жазога тортилган эди. Улардан 730 таси отилди. Ўзбекистон НКВД сининг ички қамоқхонаси ва бошқа жойлардаги қамоқхоналарда маҳбуслар шавкатсиз жисмоний жазоларга махкум этилар эди. Энг кучли мардонавор кишилар ҳам аҳволнинг иложсизлигини кўриб ва ўз яқинларининг тақдирларидан хавотир олиб, қилмаган жиноятларини тан олишга мажбур бўлар эдилар. Ўз халқини ўйлагани, куйлагани, уларнинг ташвиши, ҳасрати ва муаммолари учун курашгани сабаб бир неча ўн минглаб юртдошларимиз қатағон курбони бўлдилар. Уларнинг ҳаммасига халқ онгини чалғитиш учун бир айб қўйилди. Бу қандай айб эди

| | | | |
|---|---|---|---|

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

9. 1936 йили республикамизнинг бир тармоғига К.Сорокин комиссар (вазир) этиб тайинланган эди. У бу ишда 15 ойгина ишлади. 1937 йилнинг 29 сентябрида уни хибсга олишди. Сўнгра унинг рафиқаси (Гулсум Абдурахмонова) га ҳам хибсга олиш тўғрисидаги ордерни кўрсатишди. Бироқ уни ўша вақтда хомиладор эканлиги қутқариб қолди. Ундан уйни бўшатиб қўйиш талаб этилгач, икки ёш гудаги билан қайнонасининг кичик бир уйига кўчиб ўтди. У совет, партия ва давлат раҳбарларига эрининг айбсиз эканлигини бир неча бор ёзди. Эри хибсга олингандан уч ой кейин отиб ташланганидан бехабар Гулсум опа ҳар ойда эрининг турмада кун кечириши учун НКВД кассасига 60 сўмдан пул тўлаб турди. У «доҳий» (сталин) адолатни тиклайди, деб кутди. Ҳатто, ўзининг 1938 йили январдв туғилган қизига Сталиннинг қизи шарафига Светлана боб ном ҳам қўйган эди. Айбсиз «Халқ душмани» деб отилган К.Сорокин республикамизнинг қайси тармоғи комиссари вазири эди?

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | |

10. 20-30-йилларда қатағон қилиниб, «Халк душмани» деган сохта айблар билан отишга ҳукм қилинганларнинг оила аъзолари, қариндошлари ва хатто улар билан нимадир сабаб бўлиб, учрашганлар ёки уларининг бирор яхшилигини кўрганлар ҳам жазоланганлар.

Шунингдек, бир истеъдод сохиби ўз меҳнати эвазига кейинчалик «Халк душмани» деб отишга ҳукм қилинган давлат арбоби Ф.Хўжаевдан бир совға қабул қилиб олган. Ана шу совға кейинчалик уни «Ф.Хўжаевнинг думи» деб, «Халқ душмани» сифатида отишга ҳукм қилинишига сабаб бўлган. Хўш, бу истеъдод сохибининг Ф.Хўжаевдан олган совғаси нима эди? Совғанинг номи катакчаларда яширинган.

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | | | |

11. 30-йиллар қатағонлиги даврида республика диндорларининг асосий қисми концентрацион лагерларга жўнатилди. Масжидлар беркитилиб, уларнинг аксарияти отхоналар, омборхоналарга айлантирилди. Хатто шундай ҳолатларга ҳам дуч келиндики, республикамиздаги кўплаб хонадонларда вақти-вақти билан ўтказилган тинтув пайтида араб ёзувидв чоп этилган бирор китоб топилгудай бўлса, унинг номи, мазмунини суриштириб ҳам ўтирмасдан, уша хонадон сохибига «жамиятга ёт унсур шахс» деган лаънат тамғаси босилиб, уни қамоқ ёки сургун жазосига махкум этилган. Масалан, Хоразмлик илмли, яхши фазилатлари билан элда хурмат қозонган, аёлларни ўкитиб, саводли қилган мўътабар онахон Б.Исмоиловани 80 ёшида диний китоб ўкишида айблаб,

қамаганлар ва момо қамоқда оғир ахволда вафот этган. Холбуки, уша куни момо гўзал инсоний фазилатлар таърифидан хикоя қиладиган, динга хеч қандай алоқаси йўқ бўлган ўзининг севимли китобини ўқиб турган экан. Хўш, инсоний фазилатларни куйловчи, момонинг жазоланишига сабаб бўлган бу севимли китобнинг номи нима эди?

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

12. Сталинча қатағонлик сиёсати республика, вилоятлар, туманлар раҳбарларини биринчи навбатда ўз гирдобига олди. Уларнинг ҳаммаси юрт, халқ манфаати учун курашганлар эди. Уларнинг орасида эски тузумга қарши курашган, янги тузумда чорасиз қолган большевиклар уни ноилож давлат арбоби даражасига кўтарган бир киши ҳам бор эди. У киши Ўрта Осиёни босиб олиниши, қўшиб олиниши масаласини ҳам тарихчи олим сифатида биринчилардан бўлиб тўғри таҳлил этган эди. У уша даврдаёқ «Чор ҳукумати ва капиталистлар Ўрта Осиёда таловчилик сиёсатига амал қилиб келдилар. Рус капитализми махаллий бойлар ва судхўрлар билан бирлашиб, меҳнаткашлар оммасини очикдан-очиқ таладилар», - деб очиқ ёза олган эди. Бу қўрқмас олим ва давлат арбоби ким эди?

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|

13. Фашизмга қарши уруш тамом бўлганлан кейин, орадан кўп ўтмай барча республикалар сингари Ўзбекистон бўйлаб яна бир ялпи террор тўлқини бўлиб ўтди. Бу қатағонлик асосан маданият, илм-фан арбобларига қаратилди.

Собиқ ҳукмрон партия одамларимизга фашизм мафкураси таъсири бўлганлигини ва бунинг оқибатида матбуот, санъат ва адабиётда ғоясизлик, сиёсатдан узоклашиш, ҳаётий хақиқатни бўлиб кўрсатиш, умидсизлик, келажакка ишончсизлик пайдо бўлганлигини рўкач қилиб, 1946 йил августида «Звезда» ва «Ленинград» журналлари ҳақидаги, 1948 йилда «Улуғ дўстлик» операси ҳақидаги нохақ қарорлар қабул қилди. Бу қарорларнинг республикамизда ижроси оқибатида кўпгина, ёзувчиларимиз, олимларимиз, партия ва давлат арбобларимиз, маданиятимиз ходимлари миллатчиликда

айбландилар. Юқорида таъкидланган қарорлар таъсирида республикамизда нашр этилаётган, халқимиз севиб ўқиётган бир журналимиз ҳам қаттиқ танкид остига олинди ва унинг Ойбек бошчилигидаги ходимларининг кўпчилиги «Миллатчи» айби билан қамок жазосига ҳукм қилиндилар. Катакчаларда ана шу журналнинг номи яширинган. Қаттиқ танқид остига олинган журнал номини топинг?

14. Республикада 50-йиллар қатағонлигини бошлаб беришда, ҳукмрон партия қарорларини Ўзбекистон хаётида тадбиқ этишда Ўз Компартия марказкўмитанинг 1952 йил 21-21 февралида бўлиб ўтган пленуми ва унинг қабул қилган қарорлари муҳим мудҳиш ролни ўйнади. Пренумда ЎзҚумпартия МҚ биринчи котиби

А.Ниёзовнинг «Республикада идеология ишларининг ахволи ва уни яхшилаш чоралари ҳақида» ги маърузасида адабиёт, маданият, санъат ва фан ходимларидан бир қанчаси кескин танқид қилинди. Пленумда шунингдек, жамиятшунос олимларимизга ҳам нохақ айблар қўйилди. Жумладан файласуф В.Зохидов «буржуа миллатчиси», иктисодиётчи А.Аминов «буржуа миллатчилари билан алоқа қилувчи» лар сифатида айбландилар. Айбланувчилар орасида «пантуркизмни тарғиб этувчи» айби билан қораланган бир тарихчи олим ҳам бор эди. Катакчаларда ана шу тарихчи олимнинг фамилияси яширинган.Уни топинг?

15. Шўролар тузумининг қарийб 70 йиллик ҳукмронлиги даврида тўпланиб қолган муаммолар 80 йиллар ўрталарига келиб юзага чиқа бошлади. Энди куч билан итттифоқни сақлаб қолиш мумкин бўлмай қолган эди. Ҳукмрон партия ва совет ҳукумати жамиятни янгилаш, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётда жиддий ўзгаришлар қилиш йўлларини излай бошлади. Улар айнан шу изланишлари туфайли Ўзбекистонга бир десант ташладилар. Бундан мақсад – ўзбек халқини, Ўзбекистонни нафақат итттифоқда, колаверса дунёда бадном этиш, жазолаш ва шу йўл билан бошқа итттифоқчи республикаларни чўчитиб қўйиш эди. Десантчилардан ашаддий шовинист - Гдлян ва Ивановлар, уларнинг малайлари марказнинг қўллаб-қувватлаши билан «Ўзбеклар иши», «Пахта иши», «Ўзбек мафияси» деган сохта уйдирмаларни тўқиб чиқардилар. Бу сохта уйдирмалар орқали халқимизни

бадном қилмокчи бўлган шовинист – миллатчилар «Кандай десант» вакиллари эди? Катакчаларда яширинган десант номини топинг?

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | |

16. Десантчилар ўзбек халқини кўзбўямачиликда, порахўрликда, қўшиб ёзишларда, боқимандаликда айблаб, партия ва давлат раҳбарларидан тортиб оддий дехқонларгача таъқиб остига олдилар. Улар бу борада бир ишни ўйлаб топдилар. Бу иш натижасида республикамизнинг 25 мингга якин фуқаролари қийноқларга солинди, судсиз, терговсиз қамалди. Уларнинг орасида кексалар, хомиладор аёллар, ногиронлар ҳам бор эди. Айбсиз кишиларга жисмоний куч ишлатиб, қўрқитиш йўли билан айблар қўйилди. Оддий меҳнаткашлардан катта миқдорда пул, ўз раҳбарлари тўғрисида нотўғри кўрсатмалар бериш талаб қилинди. Республикада «Адолатсизликлар», «қўшиб ёзишлар» ҳақида марказий газета, журналларда, радио ва телевиденияда мунтазам хабарлар босилиб, миллатимиз шаъни бадном қилинди. Халқ ва миллат шаънини бадном қилиш учун ўйлаб топилган бу иш қандай иш эди?

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| | | | | |

## 13 – мавзу: Иккинчи жаҳон уруши йилларида Ўзбек халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси.

### Мавзу бўйича билимни фаоллаштириш учун саволлар.

“Фашизм” нима? У дастлаб қачон, қаерда вужудга келган?

Германияда фашистларининг хокимият тепасига келишларининг сабаби нимада эди?

Иккинчи жаҳон уриши характери жихатидан қандай уруш эди?

Иккинчи жаҳон урушининг қандай йирик жангларини биласиз?

Ўзбекистоннинг ғалабага қўшган хиссалари нималардан иборат эди?

Хозирги вақтда пайдо бўлаётган неофашизмнинг асосий хавфи нимада?

### Гуруҳларда ишлаш учун ўқув топшириқлари.

ЭКСПЕРТ ВАРАҚАСИ № 1.

**Вазифа №1.** Сиз қуйидаги савол бўйича экспетртсиз: “Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши. Урушининг дастлабки даврнинг қийинчиликлари. Уруш йилларида Ўзбекистон иқтисоди. Сизнинг вазифангиз – юқоридаги саволлар бўйича тайёрланиб, уни

бошқаларга ўргатиш” (Жавобингизда “Нимага?, “Пирамида” в.б график органайзердан фойдаланинг)

**Вазифа №2.** Умумлаштурувчи хулоса қилинг.

**Вазифа №3.** “Нима учун биз фашизм билан бўлган урушда ғалаба қилдик?” деган мавзуда асосли эссе ёзинг.

ЭКСПЕРТ ВАРАҚАСИ № 2.

**Вазифа №1.** Сиз “Уруш даврида республикадаги маънавий ва иқтисодий – ижтимоий ҳаёт” деган савол бўйича экспертсиз.

Сизнинг вазифангиз – бу савол бўйича таёррланиб унинг мазмунини бошқаларга тушунтиришдан иборат. (Жавобингизда “Кластер”, “Пирамида” в.б график органейзердан фойдаланинг)

**Вазифа №2.** Умумлаштурувчи хулоса қилинг.

**Вазифа №3.** “Нима учун биз Фашизм билан бўлган урушда ғалаба қилдик?” деган мавзуда асосли эссе ёзинг.

ЭКСПЕРТ ВАРАҚАСИ № 3.

**Вазифа №1.** Сиз “Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистонлик жангчиларнинг кўрсатган жасоратлари” деган савол бўйича экспертиз.

Сизнинг вазифангиз – бу саволга пухта таёргарлик кўриб унинг мазмунини бошқаларга ҳам тушунтиришдан иборат (Жовобингизда график органайзер хронологик в.б жадваллардан фойдаланинг)

**Вазифа №2.** Умумлаштурувчи хулоса қилинг.

**Вазифа №3.** “Нима учун биз фашизм билан бўлган урушда ғалаба қилдик?” деган мавзуда асосли эссе ёзинг.

**Ўқув материаллари**

Уруш кишилик жамиятида содир этиладиган воқеалар ичида энг оғири бўлиб хисобланади.

ХХ асрда содир этилган хар икки жаҳон уруши капиталистик мамалакатлар айби билан бўли ва инсоният учун катта талофатлар, қирғинликлар келтирди:

Биринчи жаҳон уруши 1914-1918 йилларда бўлиб, унда дунёнинг 38 мамлакати қатнашди. Бу урушда 10 млн.дан ортиқ киши халок бўлди, 20 млн.дан ортиқроқ кишилар ярадор бўлди.

Иккинчи жаҳон уруши 01.09.1939 йилдан 02.09.1945 йилгача давом этиб унда дунёнинг 62 мамлакати, аҳолисининг 80 фоизи иштирок этди. Уруш харакатлари 22,6 млн. кв. км худудда борди. Бу урушда 55 млн. киши (СССРдан 27 млн. киши) халок

бўлди.

Иккинчи жаҳон урушига хали урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб Ўзбекистон аҳолисининг катта қисми жалб этилди. 1941 йилда Республика аҳолиси 6,5 млн. кишини ташкил этган ҳолда, улардан 1.433.230 киш ёки урушга яроқли одамларнинг 60 % фронтга олинди.

Уруш йилларида Ўзбекистон фронтига 2 090 самалёт, 17 342 авиамотор, 2 318 000авиабомба, 330 000 парашут, милонлаб снарядлар в.б. маҳсулотлар юборди.

Уруш йилларида Республика деҳқонлари 4 806 минг тонна пахта, 1 282 минг тонна дон,54,1 минг тонна мева, 159 минг тонна гўшт в.б. кўплаб маҳсулот етказиб берди.

Инсоният тарихида хар томонлама энг оғир ва қирғинли бўлган иккинчи жаҳон урушида эришилган умумий ғалабага Ўзбекистон, хусусан Ўзбек халқи хам муносиб хисса қўшди ва бу билан хақли равишда фахрланади.

Урушнинг дастлаблик кунларидан бошлаб бутун мамлакатда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам умумий сафарбарлик эълон қилинди. Бунга асосан республика аҳолисининг меҳнатига яроқлиларидан 3/2 қисми фронтга кетди.

Ўзбек ўғил-қизлари урушнинг барча жангохларида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатиб жанг қилдилар.

Тарихий Брест қаласининг қахрамон ҳимоячилари ичида Н.Содқиов, А.Абдуллаев, А.Арслонбеков, С.Бойтемиров, А.Алиев, Т.Хидиров, У.Утаев каби ўзбект фарзанлари бор эди.

Ўзбекистонлик жангчилардан иккинчи жаҳон урушида кўрстаган жасоратлари учун 120 минг киши СССРнинг ордени ва медаллари билан тадқирланди, 300 кишига Совет Иттифоқи Қахрамони унвони берилди. Булардан 75 таси Ўзбеклвр эди.

Бироқ ғалаба Ўзбекистон халқига жуда қимматга тушди. Республикадан урушга сафарбар этилганлардан 268 005 киши халок бўлди, 132 670 киши бедарак йўқолди. 60 452 киши ўз ўлкасига ногирон бўлиб қайтди.

Бу ёвуз урушдан қайтмаганлар номлари Президент И.Каримовнинг ташаббуси билан 1995 йилда яратилган 36 жилдлик эсдалик китобида олтин харфлар билан ёзиб қўйилди.

Бугунги кунда барча соҳаларда яратувчанлик фаолияти билан шуғулланаётган халқимиз ўша мудхиш урушда мардлик намуналарини кўрсатган фарзадларининг муқаддас хотирасини бош эгиб эслайди ва абадий сақлайди. Бу ишда Президентимиз И.Каримовнинг “....ўз ватани, эл –юртининг ёруғ келажаги, беғубор осмони учун жанг майдонларида халок бўлганларни, ўз умрининг бевақт хазон қилган инсонларни доимо

ёдда сақлаймиз” деган сўзлари асос бўлмоқда.

Президентимиз И.Каримов ташаббуси ва рахномолигида хар йилнинг 9 майи “Хотира ва Қадрлаш” куни деб эълон қилинган. Бу кун Республикамизнинг барча халқи аввало уруш фаолллари учун энг муқаддас кун сифтатида кутиб олинади.

Республикамизда жаҳон урушидаги ғалабанинг 64 – йиллигини 12 минг уруш қатнашчилари, 185 минг фронт ортидаги меҳнат фаоллари кутиб олдилар. Хар йили ғалаба куни муносабати билан Президентимизнинг фармони билан уруш қатнашчилари ёрдам пули билан тақдирланмоқда.

**Маърузадаги ишнинг тартиби ва регламенти.**

Гуруҳлар орасида вазифани тақсимлаш (1-2 мин.).

Ўйлаб, жамоада муҳокама этиб берилган саволларга намоиш этиш материаллари билан жавоб тайёрлаш (15 мин.).

Намойиш этиш материалларини тақсимотининг ўтказиш (5 мин.).

Бошқа гуруҳлар жавобларига баҳо бериш ва уни ўқитувчига эълон қилиш (2-3 мин.).

**Гурухлардаги ишнинг кўрсаткичлари ва бахолаш мезонлари.**

| Гурух | Савол мохиятини ёритилишининг тўлалиги | Баён этишнинг тушунарлилиги | Ўқитишни ташкил этиш ва кўргазма-лилик | Гурух аъзоларининг фаоллиги | Баллар йиғиндиси |
|---|---|---|---|---|---|
| | 1.4 | 0.4 | 0.7 | 0.5 | 3 |
| | | | | | |

**Назорат саволлари**

Урушнинг дастлабки давридаги қийинчиликлар нималардан иборат эди?

Мамлакат ҳаётини харбий мақсадларга қаратиб қайта қуришдан мақсад нима эди?

Уриш даврида Ўзбекистон иқтисоди қандай қайта қурилди?

Уриш йилларида Республика қишлоқ хўжалиги қандай қилиб қайта қурилди?

Фашизмга қарши курашда, республика олимлари, адабиёт ва санъат вакиллари қандай рол ўйнайдилар?

Ғалабага Ўзбек жангчилари қандай ҳисса қўшдилар? Конкрет мисоллар келтиринг?

**Мустақил ишлар учун вазифалар**

**1 вазифа.** Маъруза материаллари ва қўшимча адабиётларни чуқур ўрганиб бахс мунозара шаклида бўладиган амалий машғулотга тайёрланинг.

**2 вазифа.** Ушбу мавзу юзасиданматериални қандай ўзлаштирганингизни ўзингизни – ўзингиз текшириб кўринг. Назорат саволлари ва топшириқларга жавоб беринг (8 – илова)

**Ўз билимингизни синаш учун назорат саволлари.**

Урушнинг бошланғич давридаги қийинчиликлар нималардан иборат эди?

Ўзбекистон иқтисодини харбий мақсадларга қаратиб қайта курашнинг мақсад ва вазифалари қандай эди?

Республикада урушнинг бошида фронтга ёрдам кўрсатиш мақсадида қандай ватанпарварлик харакатлари вужудга келди?

Уруш йилларида республика саноати қандай қайта қурилди?

Уруш йилларида қурилган саноат корхонлари хақида гапириб беринг?

Уруш йилларида республика қишлоқ хўжалиги қандай қайта қурилди?

Уруш йилларида республика саноат ва қишлоқ хўжалиги ходимларининг кўрсатган мехнат жасоратлари хақида нима биласиз?

Фашизм билан курашда Ўзбек зиёлиларининг роли қандай бўлади?

Ўзбек жангчилариинг иккинчи жахон уруши жангохларида, қаршилик кўрсатиш партизанчилик харакатларидаги иштирокини гапириб беринг?

Иккинчи жахон урушининг асосий якунлари, унда эришилган ғалабанинг ахамияти нимада?

**Кўргазмали материаллар:**

## Ҳарбий сафарбарлик тадбирлари







***Урушнинг дастлабки ойларида урушга жўнатишларини сўраб 32 минг киши ариза билан мурожаат қилди***

## Ҳарбий сафарбарлик тадбирлари





**Ҳаракатдаги армия учун ҳарбий резерв тайёрлаш**

- ***1905-1918 йилларда туғилган эркакларниларни фронтга сафарбар қилинди***
- ***10 минглаб кишилар ҳарбий тайёргарликдан ўтиб урушга кетиш учун шайландилар.***
- ***1942 йилнинг охирига келиб САВО (Ўрта Осиё ҳарбий округи)да 109 ҳарбий қўшилма тузилди. (86 таси фронтга ёки***
- ***1941 йил ноябридан 1942 йил мартигача Ўзбекистонда 14 миллий қўшилма ташкил этилди ( 9 алоҳида ўқчи бригада ва 5 отлиқ дивизия)***

# Ҳарбий сафарбарлик тадбирлари

**Ҳаракатдаги армия учун ҳарбий резерв тайёрлаш**

**_Ҳарбий зобитлар тайёрлаш_**

- ***Тошкент умумқўшин командирлари билим юрти (8 минг командир);***
- ***1-Тошкент ва 2-Туркистон пулемет билим юртлари;***
- ***«Выстрел» қайта тайёрлаш курслари(10 минг офицер) ва ҳ.к.з.***

***Кўчириб келтирилган ҳарбий билим юртлари:***
***Фрунзе номидаги ҳарбий академия, Бронетанк ва механизациялашган қўшин Ҳарбий Академияси, Ҳарбий Медицина Академияси, 1-Харьков танк билим юрти, Подольск артиллерия билим юрти, учишга тайёрлаш олий курслари бошқалар.***

***САВО ҳудудида 7 ҳарбий академия, 35 ҳарбий билим юрти, «Выстрел» курслари, 19 авиация мактаблари бошқа кўплаб ҳарбий курслар мавжуд эди***

# Ўзбекистон иқтисодиётини ҳарбий изга ўтказишнинг йўналишлари

- ***кўчириб келтирилган заводларни ишга тушириш***
- ***янги саноат корхоналарини ишга тушириш***
- ***республикадаги мавжуд корхоналарда ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариш***
- ***давлат режасининг бажарилиши.***

# Меҳнат заҳиралари сафарбарлиги

**Саноатга ишчи кучи жалб этиш шакллари**

- Оммавий сафарбарлик
- Иқтисодий туманлар ва соҳалар ўртасида ишчи кучларининг тақсимланиши
- Меҳнат сафарбарлиги
- Меҳнат мажбурияти

**Меҳнат сафарбарлиги**

***Имкониятлари:***

- қисқа муддатда меҳнат заҳираларини сафарбар этиш
- уларни ҳарбий ишлаб чиқаришнинг энг зарур участкаларида тўплаш

***Мақсад:***

- фронтнинг энг долзарб эҳтиёжларини қондириш

*СССР Олий Совети Президиумининг «Уруш даврида меҳнатга яроқли шаҳар аҳолисини ишлаб чиқариш ва қурилиш ишларига сафарбар этиш ҳақида»ги Фармони (13 февраль 1942 й.)*

# Меҳнат заҳиралари сафарбарлиги

**1941 йил 26 июнда**

*«Ишчи ва хизматчиларнинг уруш даври иш вақти ҳақида»ги Фармонга биноан белгиланди:*



- *6-кунлик иш ҳафтаси ҳафта ва 11-соатлик иш куни;*
- *мажбурий қўшимча иш;*
- *навбатли ва қўшимча таътиллар бекор қилинди;*
- *ҳукумат органларига ишчиларни бир корхонадан бошқасига ўтказиш ҳуқуқи берилди;*
- *умумий меҳнат мажбурияти*
- *сўроқсиз ишдан кетиб қолганлик учун жиноий жавобгарлик ва б.*

- *аёллар, болалар ва нафақа ёшидагилар ҳам корхоналардаги ишларга жалб этилди;*
- *14-17 ёшли ўсмирлар орасидан мутахассислар тайёрлаш учун корхоналар қошида касб-ҳунар билим юртлари очилди.*

## Ўзбекистон аёлларининг душман устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси

- урушнинг бошида 20 минг аёллари Тошкентдаги корхоналарга ишга келдилар
- 1700 аёл Ангрендаги шахталарга ишга келдилар
- Салор ГЭСидаги қурилиш ишларининг катта қисми аёллар томонидан бажарилди
- механизаторлар тайёрловчи мактабларнинг 85%ни колхозчи аёллар ташкил этар эди
- 1943 йилда саноатда банд бўлганларнинг 63,5%ни аёллар ташкил этар эди





## Уруш йилларида Ўзбекистон саноати, транспорти ва алоқа соҳалари

***Республикада саноатни ривожлантириш ва жанговартехника ишлаб чиқариш дастури***



- мавжуд корхоналарни реконструкциялаш
- янги ГЭС и ТЭЦлар қуриш
- металлургия, машинасозлик заводлари, химия комбинати ва бошқалар қуриш
- нефть ва кўмир қазиб олишни кўпайтириш
- кўчириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш, монтаж қилиш ва ишга тушириш

***Асосий вазифа:***

*Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришган корхоналарни тезлик билан мураккаб бўлган ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ўтказиш*

## Уруш йилларида Ўзбекистон саноати, транспорти ва алоқа соҳалари

***Кўчириб келтирилган корхоналарни ўрнатиш ва ишга тушириш***

***Кўчириб келтирилган корхоналар орасида:***

- *Чкалов номли авиация заводи;*
- *«Лентекстильмаш»*
- *Ростсельмаш*
- *«Красный Аксай»*
- *Москва электрокабел заводи,*
- *«Подъемник»*
- *Харьков «Электростанок»*
- *Киевс «Трансигнал» ва бошқалар бор эди.*

*Ўзбекистонга 104 корхона кўчириб келтирилди*

*Кўчириб келтирилган корхоналарни тиклашга 450 млн. рубль маблағ сарфланди*

*Корхоналар ўта қисқа - 1ойдан – 6 ойгача бўлган муддатда ишга туширилди*

*1942 йилнинг I ярмида барча кўчириб келтирилган корхоналар билан ишга тушди*

## Уруш йилларида Ўзбекистон саноати, транспорти ва алоқа соҳалари



***Республика етакчи корхоналари: «Ташсельмаш», паровоз таъмирлаш, Чирчиқ электрохимкомбинати, текстиль ва тикув саноати***



***Фронт учун маҳсулотлар ишлаб чиаришга ўтказилди***

***танк, самолёт, бронепоезд, пулемет, автомат, миномет, милтиқ, бомба, граната, снаряд ва бошқалар.***

***Ўзбекистондаги 1346 корхонанинг (кўчириб келтирилганлар бу ҳисобга кирмайди) кўпчилиги 1941 йилнинг 1 декабрига келиб қурол аслаҳа ва ўқ-дори ишлаб чиқаришга ўтди***




**Муҳокама этиш ва хулоса чиқариш учун саволлар:**

**Мавзу №1.**

6. Иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқарган сабабларини айтиб беринг.
7. Иккинчи жаҳон урушини келиб чиқишидаги асосий сабабчи бўлган тарихий шахсларни биласизми?
8. Иккинчи жаҳон уруши қачон бошланди?
9. Фашистлар Германиясининг собиқ СССРга хужуми қачон бошланди?
10. Мамлакат ҳаётини ҳарбий изга ўтказиш деганда нимани тушунасиз?

**Мавзу №2.**

1. Уруш йилларида ўзбекистонликлар фронтга қандай маҳсулотлар етказиб бердилар?

Уруш йиллари Ўзбекистонга қандай саноат корхоналари кўчириб келтирилди?

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ўзбек халқининг буюк гуманизми нималарда намоён бўлди?

**Мавзу №3.**

1. Уруш йилларида Ўзбекистон саноати фронтга нималар етказиб берди?

4. Уруш йиллардаги карточка тизими тўғрисида маълумотлар беринг.
5. Ўзбекистон қишлоқ аҳолисининг уруш йилларидаги қахрамонона меҳнатлари тўғрисида маълумот беринг.
6. Уруш йиллари Ўзбекистондаги олий ва ўрта махсус ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, маданият муассасалари фаолияти тўғрисида маълумот беринг.
7. Уруш йилларидаги ўзбекистонлик адабиётчи ижодкорлар фаолият тўғрисида маълумот беринг.

**Мавзу №4.**

1. Ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида берган талофатлари ҳақида нималарни биласиз?

Ўзбекистонликлардан уруш йилларида кўрсатган қаҳрамонликлари учун тақдирланганлар сони қанча ва улардан кимларни биласиз?

3. Иккинчи жаҳон уруши қандай натижа билан тугади?

Ўзбекистонликларнинг Иккинчи жаҳон урушида фашистлар Германияси ва милитаристик Япония устидан қозонилган ғалабага қўшган ҳиссаси ҳақида гапириб беринг.

**мустақил иш учун вазифалар:**

1. Уруш йилларида Ўзбекистон адабиёти ва санъати мавзусида ижодий эссе ёзиб келиш.
2. «Ўзбекистонда давлат мустақиллигининг қўлга киритилиши.Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши» мавзусини маъруза матни ва қўшимча адабиётлар бўйича тайёрлаб келиш.

**14-мавзу: Ўзбекистонда давлат мустақиллигини қўлга киритилиши. Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларининг яратилиши**

**№1 эксперт варақаси**

1. Мамлакатимиз тарихида озодлик учун курашлар тарихидан кимларни биласиз?

5) Собиқ иттифоқда 20 асрнинг 80-йилларидаги қандай жараёнлар Ўзбекистонда мустақиллик учун курашларни янада жонлантирди?
3. Давлатимиз мустақиллигига эришиш имкониятини яратган омиллар нималардан иборат эди?

**№2 эксперт варақаси**

1. Мустақиллик халқимизга қандай имкониятлар берди?

2. Тараққиётнинг «ўзбек модели» қандай тамойилларга асосланади?

6) Собиқ иттифоқдан, эски мустабид тузумдан мамлакатимизда демократик ислохотларни амалга оширишга тўсиқ бўлган қандай сиёсий мерос колган эди.?

**№3 эксперт варақа**

1. Ўзбекистонда ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қурилишида қандай тамойиллар, тажрибалар ва қадриятларга таянилади?

2. Ўзбекистонда бошкарувнинг қандай тизимига амал қилинмоқда?

3. Кучли давлатдан кучли жамият сари», деган тамойилнинг мазмун ва мохиятини тушунтириб беринг?

7) Ўзбекистон Республикаси давлат рамзлари тўғрисидаги концептуал жадвални тўлдиринг.

| Давлат рамзи номи | Қабул қилинган пайти | Асосий белгилари | Таърифи |
|---|---|---|---|
| Конституция | | | |
| Байроқ | | | |
| Герб | | | |
| Мадҳия | | | |
| Валюта | | | |
| Бошқалар | | | |

**№4 эксперт варақ**

1. Ўзбекистонда миллий давлат қуриш йўлида қандай тадбирлар амалга оширилди?
2. «Судларнинг мустақилликка эришуви» деганда нимани тушунасиз?
3. Мамлакатимизда Ватан хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай ишлар амалга оширилди?
4. Президент И.А. Каримовнинг «Бизнинг бош мақсадимиз-жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир» номли китобида ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва унга эришиш борасида қандай вазифалар белгилаб берилди?

**№5-эксперт варақаси**

1. Мамлакатимизда нима сабабдан фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларига муҳим аҳамият берилмокда?

2. Республикамизда қандай партиялар, ҳаракатлар ва жамият ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда?

9) Республикамиздаги оммавий ахборот воситалари ва уларнинг демократик ўзгаришлардаги ўрни ҳақида фикрингизни билдиринг?

10) Республикамиз парламенти ва ривожланган давлатлар парламентларини солиштириб умумий ва ўзига хос томонларни аниқловчи концептуал жадвални тўлдиринг.

| Парламент номланиши | Тузилиши ва номланиши | Ваколатлари | Ваколат муддати | Сайлов тартиби |
|---|---|---|---|---|
| Ўзбеистон парламенти | | | | |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| АҚШ парламенти | | | | |
| Буюк Британия парламенти | | | | |
| Германия парламенти | | | | |
| Россия парламенти | | | | |
| Япония парламенти | | | | |

**Назорат саволлари**

**1.**Ўзбекистон Олий Кенгашининг нечанчи сессияси давлатимиз мустақиллигини эълон қилган?

2. Қайси ҳужжатда "Ўзбекистон Республикаси ўз таркибидаги Қорақалпоғистон Республикаси билан бирга мустақил, демократик давлатдир",-деб қонунлаштирилди.

3. "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллигини маъқуллайсизми?" мавзуида қачон референдум ўтказилди?

4. Мустақилликка эришганимиздан кейин давлатимиз олдида қандай маъсулиятли вазифа турар эди?

5. Ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш бозор иқтисодиётига ўтишда нечанчи тамойил ҳисобланади?

6. Ўзбекистон Республикаси байроғи ЎзР Олий Кенгаши (12 чақириқ) нинг нечанчи йилда бўлган қайси сессиясида қабул қилинган?

7. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси неча бўлим, неча боб ва неча моддадан иборат?

8. Мустақил Ўзбекистон давлатининг, унинг халқининг бош мақсади нима?

9. Ўзбекистонда қачондан бошлаб икки палатали парламент фаолият кўрсата бошлади?

10. "Кучли давлатдан кучли жамият сари" тамойили биринчи навбатда нимани англатади?

11. "Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари" дейилганда биринчи навбатда қайси жамоа уюшмалари тушунилади?

12. 2004 йил охири ва 2005 йил бошида бўлиб ўтган икки палатали парламент сайловларида қайси сиёсий партия ғолиб бўлди?

**мустақил иш учун вазифалар:**

1. «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиздир» мавзусида тарихий иншо ёзиш.

2. Ўтилган мавзу юзасидан тест саволлари тузиш ва ишлаб келиш.

3. Маъруза матни асосида кейинги дарсга тайёрланиб келиш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

**Президент И.А. Каримов асарлари:**


1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. - Тошкент, «Шарқ», 1998.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т., “Маънавият”, 2008.
3. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. Т., “Ўзбекистон”, 2009.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. Т., “Ўзбекистон” 2010.
5. Каримов И.А. Биз бағри кенг ва ҳамдард халқмиз. “Андижон нашриёт матбаа” Маъсулияти чекланган жамият. 2010.
6. Каримов И.А. Ҳамкорлик, тараққиёт ва хавфсизликни таъминлаш йўлида. БМТ Бош Ассамблеясининг мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқи. // Халқ сўзи. – Т., 2010. – № 183 (5089).
7. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. Т. Ўзбекистон. 2011.


Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар:


1. Азамат Зиё Ўзбек давлатчилиги тарихи: (Энг қадимги даврдан Россия босқинига қадар). Т., 2000.
2. Сагдуллаев ва бошқалар. Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. Т., 2000.
3. Сагдуллаев А.С. Қадимги Ўрта Осиё тарихи. Т., 2004.
4. Сагдуллаев А.С., Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи.-Т., 2006.
5. Ртвеладзе Э.В. История государственности Узбекистана. – Тошкент, Узбекистан. 2009.
6. Эшов Б.Ж. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи. (ўқув қўлланма). – Тошкент, Маърифат, 2009.
7. Ўзбекистон тарихи. Т., «Университет» 1997.
8. Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1, 2, 3-китоблар. Т., «Шарқ», 2000.
9. Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар Д.А.Алимова., Э.В.Ртвеладзе. Т., 2001.
10. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 13-жилдлик. Т., «ЎзМЭ», 2000-2006 й.
    Қўшимча адабиётлар
11. Абу Бакр ибн Жафар Наршахий. Бухоро тарихи Т., «Камалак», 1995.

**Ўтаева Ф.Х.**

# “Ўзбекистон тарихи”фанидан
# Таълим технологияларидан ўқув-услубий ишланма


МУҲАРРИР: И.СУБҲОНОВ
ТЕХНИК МУҲАРРИР: Р.ШАРИПОВ
МУСАҲҲИҲ: Ҳ.ТУРДИЕВ
САҲИФОЛОВЧИ: А.НИЁЗОВ

Нашриёт лицензияси А-1 №178.08.12.2010.Оригинал- макетидан босишга рухсат этилди 21.02 2017 .Кегли 14 шпонли.”Тимес” гарн. Офест босма усулида босилади.Офест қоғози. Босма табоғи.Адади 10 нусха.

Буюртма № 45.Бухоро Матбуот ва ахборот бошқармаси

“Дурдона” нашриёти: Бухоро шаҳри, Намозгоҳ кўчаси, 97-уй

Баҳоси келишилган нархда

МЧЖ “Шарқ-Бухоро” босмахонасида чоп этилди.
Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси 70/2-уй.
Тел.(0365) 222-46-46.